



» Шаффолик ва очкилик – давр талаби



Маданият вазири: “Нима учун битта экспертлар гуруҳи икки хил хулоса беряпти?..”

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик биносида ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга айланган Яққасарой тумани Бобур кўчаси 7-уй ҳақидаги тортишувларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Тадбирда Маданият вазирилик ходимлари, журналист ва блогерлар билан бир қаторда жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этишди.

Хабарингиз бўлса, жорий йилнинг март-

май ойлари давомида Бобур кўчасидаги 7-уй атрофида баҳсли мунозаралар юзага келган эди. Гап шундаки, мазкур бино аввал маданий мерос объектлари рўйхатига киритилган, кейинчалик эса жиддий сабабларсиз ундан чиқарилган.

Маданият вазирилик ҳузуридаги Маданий мерос департаментининг Илмий-эксперт кенгаши фаолияти давомида мазкур бинони моддий маданий мероснинг

кўчмас мулк объекти рўйхатига киритиш ёки киритмаслик бўйича бир-бирига номуносиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя этилмаган ҳолда қарорлар қабул қилгани аниқланди.

Брифингда иштирок этган Маданият вазири Озодбек Назарбеков мазкур вазиятни чуқур ўрганишни ва бундай ишларда виждон, адолат ва холислик мезонларига таяниш кераклигини билдирди.

Давоми 3-саҳифада »

Ушбу сонда

Кўнгли очиқнинг – йўли очик

5-саҳифада »



Санъат қаерда бидъат бўлса, шу ерга шошиши керак

6-саҳифада »

Ўқитиш – масъулият, уқтириш – мажбурият

7-саҳифада »



» Туркиядан хабар



Сериални суратга олиш жараёнлари бошланди

Хориж сериалларини севиб томоша қиламиз. Лекин миллий сериаллар ҳақида гап кетганда доим нимадир етишмаётгандек туюлаверади. Ўзимизнинг сериалларда реализм, сюжетда оперативлик ва томошабоплик, техник имкониятлар ва безаклардаги ноқислик ҳозирда асосий муаммо бўлиб турибди.

Аммо сизларга етказадиган яхши бир янгиликимиз ҳам бор. Хабарингиз бўлса, бир гуруҳ киноижодкорларимиз анчадан буён Туркия давлатида тарихий сериалнинг суратга олиш ишлари билан банд. Назиб этса, биз кутган сериал яқинда кунларда тайёр бўлади. Туркия ва Қозоғистон киноижодкорлари билан ҳамкорликда суратга олинаётган мазкур сериалга айна пайтда катта умид боғланган.

Бугун айна кунларда Туркияда “Мендирман, Жалолиддин Мангуберди” сериалининг суратга олиниш жараёнларида қатнашаётган сериал бош маслаҳатчиси

Мазкур тарихий сериал ҳозирда ноқис дунёнинг кўпгина мамлакатларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Олтойдан Адриатика денгизигача бўлган туркий дунёгина эмас, балки Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, араб ўлкалари, ҳатто айрим Европа мамлакатлари киномуҳлислари ҳам ушбу сериални орзиқиб қутушаётгани ҳақидаги хабарлар келмоқда. Бу мазкур лойиҳада қатнашаётган ўзбек ва турк киноижодкорлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Бобохон Муҳаммад Шарифнинг hudud24.uz сайти муҳбири билан бўлган суҳбатини эътиборингиз ҳавола этамиз.

— Миллатимиз қаҳрамони ҳақида сериал олинаётгани қувонарли. Айтинг-чи, иш жараёни қандай кечяпти?

— Ватанпарварлик ва ғурур туйғусини теранлаштирадиган, эл-юрт озодлиги йўлида миллий бирликка, қурт раҳнамоси ёнида жипслашишга ундайдиган бу фильм катта воқеа бўлишига актёрлардан тортиб, ташкилотчи раҳбарларнинг ҳам ишонч қомил. Шу ишонч уларни мушкулотлари мардонавор енгиб, ўз вази-

фасини сидқидилдан бажаришга ундамоқда.

— Нега сериални суратга олиш жараёнларига ўзбек эмас, турк режиссёрлари жалб қилинди?

— Ўзбек режиссёрлари ва актёрлари орасида катта тажриба, маҳоратга эга бўлганлари бор, албатта. Улар мазкур сериални талаб даражасида олишлари ҳам мумкин эди. Лекин шунини эътироф этмоғимиз керакки, ўзбек киноси ҳали жаҳон бозорига чиқа олгани йўқ. Бу борада катта тажрибага ва жаҳон кино бозорига ўз ўрнига эга Меҳмет Бўздаг каби қардошларимиз билан ҳамкорлик ўзбекни, Ўзбекистонни дунёга танитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Давоми 2-саҳифада »

Донолар сузлайди...



Димоғ чоғлик, тан сиҳатлик бўлса бас,
Шу иккиси бахту иқбол ҳам ҳавас.

(Фирдавсий)

Мен билган ягона гўзаллик,
бу – саломатлик.

(Г.Гейне)

Пинҳона йиғлаётганининг
қайғуси самимийдир.

(Байрон)

» Хушxabар

“Бухорча” ансамбли финалга чикди



» Давоми. Боши 1-саҳифада

Сериални суратга олиш жараёнида бошланди

— Карантин даври суратга олиш ишларига таъсир қилмадими?

— Йўқ. Айни кунларда ўзбек ва турк кино ижодкорлари томонидан сериални суратга олиш ишлари қизгин давом этмоқда. Фильмга тайёрларик жараёни, ҳатто, коронавирус балоси сабаб қаттиқ карантин ўрнатилган ойлarda ҳам тўхтамади. 7 ёшли Имона Холиқова, 4-синф ўқувчиси Расулбек Холиқовдан тортиб қатта ёшдаги кино ижодкорларимизга карантин машаққатларига, ҳеч қандай муболағасиз айтишим мумкинки, мардонавор, қахрамонларча дош беришди. Улар Ватан, оила, ёр-дўстлардан узоқлик ҳасратини енгиб, қўйилган маъсуллик вазифани қатта иштиёқ билан бажаришга киришдилар. Ўзбек актёрлари карантин кунлари меҳмонхонада сценарийни ўқиби, ёдлаб, турк тили ва тарихдан сабоқ олишди. Ҳар бир ролнинг ўзини хос томонларини ўрганиб, улар устида шуғулланишди. Айни вақтда декорациялар, актёрлар либосини тайёрлаш ишлари узлуксиз давом этапти. Хоразмшоҳлар саройи, бозор, қарвонсарой ва бошқа маконларнинг қурилиши жадал олиб борилади. Ниҳоят, июнь ойининг биринчи кунларидан бошлаб, ўзбек киносининг машҳур юлдузлари — Саида Рамотова, Тоҳир Саидов, Раъно Шодиёва, Жаҳоир Зокиров, Райхон Уласенова, Юлдуз Ражабова қаторида бўлғуси киноюлдузлар — Акбархўжа Расулов, Нурмухаммад Хундидинов, Акмалжон Мирзаев, Феруза Норматова, Жамшид Сағатов, Жаҳонгир Абдумаликов, Яхё Пулатовлар суратга олиш майдончасига чиқдилар. Сериал директори Фарҳод Бадалов актёрларимизнинг иссиқ-сувуғидан хабар олиб турибди. Либосчи Шарофат Ҳасанхўжаева ателъедига эмас, суратга олиш майдончасида ҳам турк ҳамкасаблари билан бирта санъаткорларимизнинг кийим-бошлари ўзбекона бўлиши учун ҳаракат қилишмоқда. Бош ролларни ўзбек ва турк актёрлари ижро этапти. Кимнинг қайси ролни ўйнаши ҳозирча сир. Буни мухлисларимиз фильмини куз ойларида телевидение орқали томоша қилишганида билиб олишади.

Маданият вазири Озодбек Назарбеков ва турк продюсери Меҳмет Бўздаг, режиссёр Метин Гунай, қоғозгонлик режиссёр Нургиса Алмуратнинг йўл-йўриқлари, ўзбек ва турк актёрларининг ҳамкорликдаги иши актёрларимиз тажрибаси янада бойишига хизмат қилапти. Турк киносинидан ўрганганидан жиҳатларимиз бўлгани каби, уларнинг биздан оладиган томонлари ҳам борлиги иш жараёнида ўз иббатини топти. Ҳатто, ўзбек актёрлари сериалимиздаги асосий иш орасида Меҳмет Бўздаг томонидан суратга олинаётган “Қурилиш. Усмон” сериалида роль ўйнашга ҳам таклиф қилинди. Жумладан, Акбархўжа мўғул саркардаси ролини маҳорат билан ижро этиб, турк киноижодкорлари ва мухлислари таҳсинига сазовор бўлди.

— Суратга олиш ишлари қачон якунланади?


— Сериалнинг 13 сериядан иборат биринчи мавсумини куз ойлари бошида туғатиш режалаштирилган. Ҳозирги вақтда қон ғоят иссиқлигига қарамай, актёрларимиз очиқ майдонлардаги жазирамага, сарой ва ўтов ичигади нафас қайтарганидан дим ҳавога бардош бериб, ўз ролларини муносиб даражада ижро этишга ҳаракат қилишмоқда.

Субҳатимиз жуда қисқа бўлди. Сабаби Бобохон ака павильонда иш жараёнида экан. Шундай бўлсада, бизга вақт ажратганидан миннатдоримиз. Ҳамда суратга якунида хали сериал билан боғлиқ борага тафсилотларни кейинроқ етказиб бораем, деди. Лемак, муҳим воқеалар ҳали олдинда. Бизни кузатинг! Диффуза ЭРГАШЕВА сурхбатлашди.

» Хафтанома

Жорий йилнинг 3 июль санасида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Жамол Носиров бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоятида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Андижонда иш қизғин



Жумладан, театрлар фаолиятида маркетинг ва реклама тизимини ривожлантириш, уларга аҳолини жалб қилиш, қизиқтириш, тарғиботини янада кучайтириш борасида вилоят ишчи гуруҳи тузилиб, рекламаларни шахар ва туман марказларида ўрнатилиши режалаштирилган жойлар ўрганиб чиқилди. Иш якунига кўра, шахар ва туманларда махсус реклама лавалар, паннолар ва баннерлар ўрнатиш учун 32 та махсус жойлар ажратилди. Ҳозирда бу бўйича шахар, туман ҳокимларининг қарорлари чиқаришмоқда.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари, хусусан, телерадиоканалларда театр репертуарлари ва афишаларини ёритиш учун махсус вақтлар ажратиш бўйича ишлар ташкил этилмоқда. Ҳозирда вилоят телерадиоканаллари томонидан 3 та театрнинг спектакллари тасвирга олинмоқда. Яна театрнинг бюджетдан ташқари тушумларини кўпайтириш мақсадида ҳар бирининг ўзини хос логотипларини яратиш, сувенир дўконларини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишмоқда.

Бундан ташқари, театрларнинг ҳаражат сметасида маркетинг ва реклама хизматлари учун сарфларни назарда тутиш, шартнома асосида реклама ишларини ташкил этиш масалалари тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганилмоқда.

Шаҳар ва туманларда кўча цирклари (шапго, дорбозлар гуруҳлари) ҳамда ҳайвонот боғлари ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида уларни ташкил этиш бўйича ташаббускорлар аниқланмоқда. Ушбу масала ўзрасидан “Ўзбекцирк” ДМ

Шу йилнинг 30 май куни Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлини маси қошидаги “Бухорча” ашула ва рақс ансамбли “Чорзарб” Бухоро анъанавий туркум қўшиқларидан иборат видеоасарини “World Folk Vision 2020” миллий маданият ва санъат бутунжаҳон онлайн фестивал конкурсида тақдим этди.

Мазкур фестивалда дунёнинг 115

та мамлакатидан 1100 та жамоа иштирок этган бўлса, улар орасидан “Бухорча” ашула ва рақс ансамбли финал bosқичига чиқди.

Шунингдек, финал bosқичида 20 та давлатдан катнашган 29 та жамоа орасидан Бухоро вилояти “Бухорча” ашула ва рақс ансамбли фестивалнинг “Рақс” номинацияси бўйича тўртинчи ўрин соҳиби бўлди.



мутахассислари иштирокида 2 июль куни видеоселектор йиғилиши ўтказилди. 3 июль куни эса вилоят қўғирчоқ театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ишчи гуруҳи томонидан дорбозлар, цирк-иллюзиончилар иштирокида йиғилиш ташкил этилиб, номзодларнинг таклиф ва мулоқазалари тингланди ва улар ҳақидаги маълумотлар қўриб чиқиш учун олиб кетилди.

Шу билан бирга, республика ишчи гуруҳи вилоятдаги замонавий инфратузилма шароитларига мослашган хусусий ҳайвонот боғи фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди. Маданият бошқармаси тизимидаги муассасаларни Интернет жон ахборот тармоғига улаш, оптик толали алоқа линиялари билан тўлиқ таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Андижон вилояти маданият бошқармаси ҳамда унинг тасарруфидagi муассасаларни оптик толали алоқа линиялари орқали Интернет тармоғига bosқичма-bosқич улаш бўйича чора-тадбирлар ҳамда муассасаларни 2020-2021 йилларда оптик толали алоқа линиялари орқали Интернет тармоғига bosқичма-bosқич улаш режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

Бугунги кунда bosқичма-bosқич улаш режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ижрога қаратилди. Бугунги кунда bosқичма-bosқич улаш режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ижрога қаратилди. Бугунги кунда bosқичма-bosқич улаш режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

2020 – 2025 йиллар давомида bosқичма-bosқич ҳар



бир туман ҳамда шаҳарда тарих ва маданият давлат музейлари филиаллари шаклида ўлкашунослик музейлари ташкил этилиши ва уларнинг давлат бюджетидан молиялаштирилиши белгиланган.

Мазкур топириққа кўра, Маданият вазирилик томонидан

2020 – 2025 йиллар давомида bosқичма-bosқич ҳар бир туман ҳамда шаҳарда тарих ва маданият музейлари филиаллари шаклида ўлкашунослик музейлари ташкил этилиши бўйича манзилли рўйхат шакллантирилиши режалаштирилган.

Топириқнинг сифатли ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходимлари томонидан шахар, туман марказларида ташкил этилиши режалаштирилган музейларнинг илмий концепцияси ва мазкур концепция асосида тематик режалари ишлаб чиқилишмоқда. Туман ҳокимликлари томонидан ўз худудларида янги ўлкашунослик музейлари учун жойлар ажратилгач, музейлар ташкил қилинади.

Ҳозирда sobиқ ўлкашунослик музейининг 8 та филиали бинолари шахар, туман ҳокимликлари захирасига ўтказилгани боис уларни музей балансига қайтариш ҳамда қолган 8 та туманлардан янги биналар топиш чоралари кўришмоқда.

Мазкур топириқлар ижроси ҳар hafta вилоят ҳокими раислигида ўтказиладиган “ҳокимлик соати” да муҳокама қилиб борилмоқда.

М.САТТОВА, Бошқарма бошлиғи

» Муסיқа ва ҳаёт

Фарзандингиз чолғуни биладими?

Яқинда давлатимиз раҳбари Наманганда ўтказган йиғилишида маданият масаласига алоҳида тўхталиб: санъатга, муסיқага қизиқмаган болада маънавий озқундан бўлмастгиси, маънавияти йўқ ёшларда эса маданиятнинг бўлиши қийинлиги, шу боис умумтаълим мактабларида ҳам муסיкий таълим-тарбияга алоҳида эътибор берилиши кераклиги ҳақидаги фикрларини барча соҳа вакиллари қатори мен ҳам катта қизиқиш билан тингладим. Айниқса, 11-синф битирувчисининг шаҳодатномасида муסיкий таълимни эгаллаганили, бирор муסיқа чолғусини ахши ўрганганили ҳақида маълумот бўлиши кераклигини айтганларида барча олқишлар билан маъқуллади. Жумладан, биз бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам бевосита дахлдор ушбу кўрсатмалар айни мудоа. Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 32-умумтаълим мактабиде ҳам аслида муסיқа фани биринчи синфларданок бошланади. Лекин унинг асосий фанлардан фарқли уларок, номига ўтилган вақтлар ҳам бўлган. Аммо сўнгги йилларда соҳадаги ўзгаришлар, хусусан, миллий муסיқамизни, чолғуларимизни чуқур ўрганиш, ўргатиш ҳақидаги кўрсатмалар асосида бошланган ишлар фаолиятимиз мазмун-моҳиятининг янгидан-янги ғоялар, лойиҳалар билан бойитди. Зеро, ҳудудимизнинг ўзини хос томонлари борки, бу ишимиз натижадорлигини таъминлайди. Хоразмнинг “Лази” сини дуня миксиде энг ноёб муסיкий асарлар рўйхатига олганини яхши маълум. Қолаверса, машҳур чолғуларимиз: сурнай, най, қўшна, гармон, гижжак, кайроқ, буломоқ, шунингдек, тор, дутор навола-

ри янтраганда етти ёшдан етмиш ёшгача қувноқ муסיқа ва рақслар шайдои бўлган жўшқин қалбли хоразмликлар нафақат Ўзбекистонимиз, балки хорижий санъат ва маданият ходимларининг ҳам кўз олдида намоён бўлиши аниқ. Улар билан соҳадаги ислохотларда фаол иштирок этамиш деган ниятдаман.

... Маълум маънода миллий муסיқа санъати ривож учун қилинадиган ишларнинг дебочаси, таъбир жоиз бўлса, пойдевори бошланғич таълимдан бошланади десам адашмайман. Биринчи синф ўқувчиси мактабга кўйган илк қадамлариданок уни ўзга олам кўтиб олаётганини ҳис этиши керак. Қайсики, у ота-онасида меҳрибон ўқитувчилар меҳрибонлиги, инсоний физалар, одоб-ахлоқ маданияти, илм-фанини эгаллашга бўлган интилиш, изланиш кўникмаларига ошно эгучи масканга меҳр қўйсин. Бу борада беш ташаббуснинг китобхонлик, бошланғич муסיкий таълим, расомлик, хайкалтарошлик, ҳунармандчилик, ижтимоий фойдали меҳнат ва спорт каби муҳим омиллари ҳар бир ўқитувчининг касб маҳорати орқали амалга оширилади. Олағда дарсларимизни, айниқса, янги ўқув йилининг илк дарсларини Ўзбекистонимиз мадҳиясини тинглаш, биргалликда қўйлаш билан бошлаймиш. Ватан ҳақидаги шеърлар, ҳикоялар, эртагу дostonларда ҳам ҳаёт қўшиғи янтраб туришини мурғак қалбларга синдириш муסיқага бўлган қизиқишининг уйғонishiга хизмат қилади. Ини давомида ўтказиладиган ҳар қандай маънавий-маърифий, маданий тадбирларда янтрайдиган куй-қўшиқ, қувноқ рақслар намоиши ҳам санъ-



ат ва маданиятимизнинг илк курткалари, улар ўн бир йил давомида гуриқраб ўса бошлаган ниҳолга айланадики, унинг ҳар бир япроғида илм-фан, маънавият, санъат ва маданият жилоланиб туради. Мен ўз дарсларимни, турли тадбирларни мактабимизнинг муסיқа ўқитувчиси Азимбой Рўзибоев билан ҳамкорликда ўтказишга ҳаракат қиламан. Ўқувчиларим орасида “Лази”, “Норим-норим”, “Танжи Қорабоғ”, “Омон ёр”, “Бари гал” каби куй-қўшиқларини севиб тинглайдиган, ижро этадиган ёш истеъодлар бор. Юкори синфларга ўтгач, энг иқтидорлилари туман маданият уйи раҳбари Умар Ёқубов бошчилигидаги турли маданий-маърифий тадбирларда иштирок этишади. Бундан буюн мактабимизда миллий чолғуларимизга бўлган қизиқишини оширишда шундай ҳамкорликлар давом эттирилиши, чолғу турларини кўпайтириш, тўплашда жамоамизнинг ҳар бир аъзоси фаол иштирок этиши зарур. Агар ҳар бир битирувчида китобхонликка, муסיқага, алоҳида фанларга қизиқиш кучли бўлса, демак ўқитувчиларнинг меҳнати зое кетмаган бўлади. Таъкидланганидек, бошланғич таълимнинг бу борада аҳамияти, ўрни бекдес. У таълим пойдевори мустаҳкамлигини таъминлайди.

Ҳамида ХУСАИНОВА,
Ҳазорасп туманидаги 32-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

► Туризм янгилиги

**АҚШ
нашрининг
“Қашқадарёга
ташриф”и**



Бу ҳақда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизмати хабар берди.

Қайд этилишича, “Visit Kashkadarya”да инглиз тилида эълон қилинган материаллар АҚШнинг “Amazon Press Inc.” нашриёти томонидан ҳозирда тўпланган ўрин олди. Андижонлик олима Раънохон

Хўжаеванинг инглиз тилидаги “Туризм: Ўзбекистондаги янги ислохотлар” номли рисолада Қашқадарё вилоятидаги Қалъаишерон дарасида жойлашган 31 та динозавр излари ҳамда Миришкор туманидаги Ачинқўл қўли ҳақидаги маълумотлар ҳам келтириб ўтилган.

Таъкидлаш жоизки, “Туризм:

Ўзбекистондаги янги ислохотлар” китоби “Amazon”нинг турли китоблардаги бўлимларида ҳам сотувга қўйилган. Китобдан Ўзбекистоннинг энг машҳур сайёҳлик масканлари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг соҳани юксалтиришдаги роли ҳамда бошқа материаллар ўрин олган.

► Мақом мактаби

Миллий санъатимизни кундалик эҳтиёжга айлантирайлик



Инсон яралибдики, гўзаллик ва нафосат оламига интилиб яшайди. Кимдир кўзи билан кўриб, кимдир қўлоғи орқали тинглаб ҳис этиши натижасида санъат даражасига олиб чиқиб, унинг гуллаб-яшнашига, ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Қўз билан кўриб-гулгулланувчи буюқ ўтминимиздан мерос гўзал обидалар: Самарқанднинг юраги “Регистон” майдони, Бухорода қад роллаган “Минораи Калон”, Хивадаги “Ичан-қалъа” зияратгоҳлари дунё халқларига миллатимиз, халқимиз ўтмишида қанчалар маънан кудратли бўлганини намойиш этиб туради.

Қўлоқ ва қалбни сеҳрлаб олгувчи нафис товушлардан ташкил топган мусиқа санъати эса илоҳий мўъжиза, ажиб бир куч десак хато эмас. Шу ўринда ўзбек мақом мусиқаси нақадар етук, мукамил ҳамда чуқур фалсафага эгалиги билан мусиқа санъатининг гулгоҳи дея таърифланади. Бу йўналишнинг бир неча минг йиллардан бунён авлоддан-авлодга беэиён етиб келаётгани ҳамда бутунги кунгача ҳам сақланиб, ўрганилиб жараёнида давомийлиги бизни қувонтиради. Аммо халқимиз орасида гўзал обидаларга бўлган муносабат каби мақом миллий санъатимизга ҳам қизиқишлар паст. Тўшуниб тинглаш эса деврли йўқ. Ўз миллий мусиқасининг энг юксак даражадаги жаҳоирлари саналимиш мақомнинг ҳаёт борлигини билмайдиганлар талайгина. Бундай ҳаётларимиз сони тобора ортиб бораётгани эса жуда аянчли ҳолат. Албатта, бу каби иллатлардан бирдангина қутулиш қийин, бунинг учун бир авлод алмашинуви ўтиши керак. Бироқ авлоднинг фикри, дунёқарашларини тубдан ислоҳ этиб боришда янги изланишлар, янги тадқиқотлар қилмоғимиз лозим.

Агар ўзликни англашнинг бош омили, ўзаги бу – таълим экан, демек, бутунги кунда ўзбек мақомини айнан таълим соҳаси мисолида кўриб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Давлатимиз сал кам ўттиз йиллик муастакл ҳаёт кунларида ривожланиш йўлидан бораётган бўлса-да, айнан мусиқа соҳасида ўша эскича собиқ иттифоқнинг умумий қарашларидан чиқиб кетгани йўқ. Хануз асосий маълумотлар Ғарб мусиқа ҳаёти, композиторлар ижодига бағишлангандир. Бунга сабаб эса деврли барча изланишлар, тадқиқотлар айнан Ғарб мусиқаси учун олиб боришга мевасидир. Тўғри, собиқ иттифок даврида бу изланишлар мажбурий амалга оширилган. Ҳозирги кунга келиб бу жараёни миллий мусиқий ҳаётимиз билан тенг олиб боришимиз тўғри бўлади. Ахир бизнинг ҳам қадим ва ҳамisha фахрланишга арзийдиган тарихимиз, маданиятимиз бор. Соҳа мутахассислари билан суҳбатлар жараёнида. Мақом мусиқаси мозий, ўтмиш, қадрият, маънавий бойлик ушбу санъат тури кундалик эҳтиёжга кирмайди. У кундалик мусиқага айлангани ҳам шарт эмас дея таърифланишини эшитганмиз, аммо атрофдаги яқин ҳамда узок кўлини халқлар маъиши ва кундалик ҳаётида, кино ва театр санъатида ўз миллий оҳанглари мусиқасидан кенг фойдаланиб ижодий парвозлар қилаётганига гувоҳ бўлар эканмиз, қачонгача бизнинг оммавий тадбир, театр ва кино санъатимизда бошқа халқ куйлари, чолчулари баралла янтрайди? Мазкур саволга жавоб сифатида келажакда жаҳонга бемалол кўрсатадиган миллий мусиқамиз намуналари билан суғорилган театр ва кино санъатида дунёга келувчи асарлар учун мақом мусиқаси ҳаёт тарихида ярим кундалик эҳтиёж бўлиши жуда зарур. Бунда мусиқа санъатининг таълим масканлари бўлиши болалар мусиқа ва санъат мактаблариданок янгилаган ўқув-амалий билим бериш ислохотини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ислохот ҳақида гап кетар экан, мусиқа мактаблари, академик лицей ҳамда ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактабларида “Ўзбек мусиқа адабиёти” ёки “Ўзбек мусиқаси тарихи” фани ўтилади. Лекин бу фанлар учун ўқув дарслик (китоб)ларининг

йўқлиги энг катта муаммо. Бу ҳам майли, ўтилувчи фанда мақом мусиқа санъати билан кифойланган. Унинг асл фалсафаси, ижродаги қуй ва ашула, унга жўр бўлувчи доира усулининг нечоғлик аҳамиятли эканини тўшунтириш умуман йўлга қўйилмаган. Аслида эса мақомнинг ҳар бир туркумини алоҳида-алоҳида тинглаш орқали тўшунтириш ҳамда фарқлаш, таҳлил қилиш даркор. Зеро, улғувор, самовий дунёни фалсафий идрок этиб, ҳаёлотга чўмиб, мушоҳада қилиш санъатини билиб ўлгайган инсон қомилдир.

Шу ўринда Россия давлати умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган 5-синф “Мусиқа” таълим кўздан кечирсак, унда умумий мусиқа санъати ўзининг миллий фалсафаси ва диний-тарихий қарашлари билан уйғунлаштирилиб, кенг қамровли ёритилганига гувоҳ бўламиз. Бизнинг мусиқа мактаблари, академик лицей ҳамда ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаблари ўқув амалиётида эса халитгача: мақом нота ёзуви, болалар учун махсус дарсликлар, мақом мусиқа назарияси, мақом солфеджио, мақом фалсафаси, мақом адабиёти фан сифатида йўлга қўйилмаган, дарсликлар эса умуман йўқ. Демак, эндиликда улар фан сифатида йўлга қўйилиши ва дарсликлардаги барча муаммолар ўз ечимини топиши зарур.

Бу борада ислохотлар ҳам бошлаб юборилди. Ҳозирги кунда “Мақом мактаби” номли илмий тадқиқот маркази очилиб, юқориде келтириб ўтилган муаммолар устида ишлар қилинмоқда. Хусусан, нота ёзуви, товуш қаторлар, мақом солфеджио, мақом фалсафаси ва ҳоказоларни аслида қандай, нега ўрганиш ва изланишни талаб қилади деган саволларга жавоб олишимизга ёрдам бермоқда.

Биз ушбу мақоламиз орқали юқоридеги муаммоларни қисман бўлса-да, ечилиш учун мақом тарихи ва фалсафаси фани борадаги ўз фикр ва таълифларимизни тақдим этмоқчимиз. Бундан мусиқа мактаблари, махсус мусиқа академик лицейлари ҳамда ихтисослаштирилган мусиқа ва маданият мактабларининг барча йўналиш ўқувчиларига ўз ёши, мутахассислигидан келиб чиқиб, махсус ишланган дастур орқали мақом санъати адабиёти ва фалсафасини босқичма-босқич ўргатишни кўзлаганмиз.

Мусиқа мактабларида ушбу нафис санъатимиз фалсафасини, тарихини мурак қалб эгаларига етказиб беришда осон ва қизиқарли бўлган усуллардан фойдаланиб, ўқув дастурига тўрт йилни камраб олгучи дастурий режа ишлаб чиқиш айна муддаодир. Биринчи йилда ўзбеклар неча асрлардан бунён катта тарихга эга бўлини, маънавий ҳамда моддий бойликлар замирида ибратта аризгиллик чиройли урф-одату анъаналар бешигида камол топиб келаётган халқ эканини турли ривоят ва хикоялар орқали миниятура расмлардан кенг фойдаланиб ифода этиш баробарида аждоқларга муносиб авлод бўлишдек муҳим вазифани тўшуниб етишлари учун дарс жараёнида мусиқий ва фалсафий, тарихий ҳодисаларни сабр билан тинглаш одобини шакллантириш керак. Шундангина маданияти етук, мақом мусиқасини фалсафий идрок этувчи, бошқа халқ мусиқасидан олдин ўз эли санъатини ёзозлаб, қадрайдиган шахс сифатида улаяди. Бунинг учун албатта бошланғич мақом тарихи ва фалсафаси ўзбекона тарбия одобномаси билан жамланган бўлиши жуда муҳим. Кейинги йилдан бошлаб маҳаллий услубларга ажралган Бухоро-Самарқанд, Хоразм, Фарғона-Тошкент йўналишларини алоҳида-алоҳида йилларга бўлиб, ҳар бир йилнинг биринчи чо-

рагида фольклор ва халқ озаки ижодини айнан маҳаллий услублардан келиб чиқиб, ўзига хос нозик кўринишлари, оҳанги ва тароватини ифодалаб, кейин касбий мусиқа мақом санъати ҳақида атрофлича тўшунча бериш тўғри йўлликмига ишонамиз. Демак, иккинчи йилда Бухоро-Самарқанд маҳаллий услуби ҳақида кенгрок фикрлаш мақсади турар экан, алоҳида кўзга ташланувчи “Маврити” фольклор жанри ҳусусида тўхталиб, кейин эса “Шашмақом” туркумидан тўшунча бериш ўринлидир.

Учинчи йил учун Хоразм маҳаллий услуби ҳақида маззунни бошлар эканмиз, фақатгина Хоразмига хос бўлган “Халфа” санъати ижроси, ижоддаги ўрни аниқ мисоллари билан берилса, ундан сўнг Хоразм мақомлари билан таништириш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчи йил учун Фарғона-Тошкент маҳаллий услубига навбат келар экан, бунда ўлжанинг бетакор санъати, гўзал оҳанглари муҳассам бўлган “Катта ашула” жанри билан мақом йўллариин аjoyиб ижролар мисолида кўрсатиб бериш орқали таълимда мақом санъати тарихи фанини болаликдан ўрганиш ёрув келажак, маънавий дунёси бой жамаиятнинг давомийлигини таъминлаб беришда яна бир мустаҳкам қадам бўлади.

Мақом санъати фалсафасини тарихий мисоллар, етук ижодкорлар ҳаёти ва қолдирган меросидан ўрганиш, уни ҳис этиш орқали маънавий озуқа олмақлик муҳим вазифадир. Бунинг учун барча мусиқий мисоллар болалар дунёсини ифодалагичи шеърлар асосида республиканинг етук устоз бастакорлари ва шоирлари ижодидан бўлган асл мақомларимизга назарлар мисолида яралган бўлиши шарт деб ҳисоблаймиз. Биз ҳар бир маҳаллий услуб ва мақом санъатини қатъий тартибда, йилларга бўлиб, яъни “Шашмақом”, “Хоразм мақомлари”, “Фарғона-Тошкент” мақом йўллариин бирин-кетиниликда ўргатишни келтириб ўтпаймиз. Ушбу фикрга қарши савол ва таълифлар бўлиши аниқ. Яъни “Ҳар бир воҳа дастлаб ўз мусиқий намунаси тарихини ўрганиши керак эмасми” каби... Шу ўринда фикримизни ибтилоб беришга ҳаракат қиламиз. Демак, ўзбек мақом адабиёти фани ва фалсафаси келгуси йилларда ўрта ва олий таълим босқичларида худди шундай тартиб асосида ўргатилади. Шундай экан, болаларнинг дастлаб ўз маҳаллий санъати билан танишиб, кейин бошқа воҳа мусиқасини билиб бориш анъанаси яқка тартиб таризда мутахассислик фанларида ўзгармай қолиши тўғри бўлади. Бизнинг тўғрўқ фанларда эса бошланғич даврдан қоида ифодаси сақланиб қолиниши керак. Мусиқа мактабларида ташкил этилиб, йўлга қўйилган бундай катта ислохот тўғрўқ Европа мусиқасининг назарий-тарихий фанлари билан тенг сингдирилган ўзбек мақом тарихи ва фалсафаси билимларини кейинги босқич – ўрта таълим ҳисобланган ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактабларида анча кенгрок ва асл ҳолда тинглаш, тўшунтириш жуда қўлай бўлади. Турган гапки, бу босқичда ўқувчилар ёши ва билимининг ортгани сабаб юқориде таъкидлаб ўтилган ҳар бир мақом туркумидаги барча куй, ашулаларни микро ҳолда тинглашиб, ноталарини куйлаб, усулларини чалдириб мустаҳкам ўрганишлари, кенг мушоҳада қилишлари учун мусиқа мактаб босқичида етарли-қуниқма пайдо бўлади. Бунинг замирида ўзбекона миллий мақом санъатимиз фалсафаси юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбиде ва яратилган ижодий асарлар мисолида янграб туради ва жаҳон миқёсида кенг парвоз этади. Ва биз ўша кун келишига ишонамиз.

**Ф.Қ.МАҚСУМОВА,
“Мақом мактаби”**

илмий тадқиқот маркази ўқувчиси

► Давоми. Боши 1-саҳифада

Маданият вазири: “Нима учун битта экспертлар гуруҳи икки хил хулоса берапти?..”



– Бу борада сизлар болан ва билмаган ҳақиқатлар бор... Шу уйлариин тақдир сизларни қанақа безовта қилаётган бўлса, шахсан вазир сифатида мени ҳам худди шунақа безовта қилапти... – дейди қуниб брифингга йиғилганларга О.Назарбеков. – Маданият мерос объект мана шу. Барча критериялари тўғри келади. Лекин буни олиб қолсак, бизга нима беради-ю, бундан воз кенсак, нима ютқазамиз?.. Хуллас, саволлар қўл... Умуман мана шу масалаларда одилона фикр юритсак... Билтишим керак, нима учун битта экспертлар гуруҳи икки хил хулоса берапти?.. Эҳтимол, қанақадир коррупцион ҳолатлар бордир бунинг ичинда? Мисол, экспертлар гуруҳини кимдир чалғитгандир, алдагандир, кимдир йўлга солдандир?!. Барига ойдинлик киритиши зарур!

Шунингдек, Озодбек Назарбеков прокуратура билан бирга қайта ишчи гуруҳи ташкил этиб, барча тегишли ҳужжатларни кўтариб, аввалги қабул қилинган протоколлар қанчалки тўғри амалга оширилган ёки оширилмаганини текширишини ва бунга нафақат хорижлик экспертлар, балки кенг жамоатчиликни ҳам жалб этишини билдирди.

Бундан ташқари, шаффоқлик ва очкиқлик тарафдори бўлган ва буни ҳамisha қўллаб-қувватлашини билдирган Маданият вазири масалата ойдинлик киритишда журналист ва блогерлар қўмағи ҳам жуда муҳимлигини яна бир бор таъкидлади.

– Бу ҳолат юзасидан ўрганиш ишларини олиб борамиз. Жараёнда кенг жамоатчилик ҳам, сиз ҳам иштирок этасиз. Умуман кераксиз объектлар ҳам бор. Сизларнинг ёрдамида уларни ҳам қайта кўриб чиқамиз, – дея юзланиди у журналистларга.

Тадбир сўнигида журналистлар томонидан берилган барча саволларга атрофлича жавоб берилди. Шунингдек, тез орада вазиятга ойдинлик киритилиши айтиб ўтилди.

Карим ЗАРИПОВ

«Ичан-қалба»

Кулолчилик кўргазмаси иш бошлади



Музей шаҳар Хива, яъни «Ичан-қалба» давлат музей-қўриқонасига хориждан ва республикамиз вилоятларидан ташриф буюрадиган сайёҳлар, шунингдек, маҳаллий аҳоли вакиллари эндиликда яна бир имкониятдан баҳраманд бўлишди. Тошхўли меъморий ёдгорлиги мажмуасида янги кулолчилик бағишланган домий кўргазма ташкил этилди. Маълумки, ҳунармандчилик, амалий санъат, шу жумладан, кулолчилик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Янги кўргазма эса ташриф буюрувчилар-

ни соҳанинг ўтмиши ва бугуни билан таништиради. Музей фонди, бўлимлардаги илмий ҳодимлар ҳаракати ва изланиши тўғрисида тўпланган турли даврларга оид хум, кўза, лаган, коса, шамдон, Пахлавон Маҳмуд мақбараси учун ишланган ёзуви, нақшкор кошинлар ва турли нозик хунар намуналари кўргазмадан ўрин олган. Шунингдек, XIX аср охирида Хива бозоридagi кулолчилик расаларидаги савдо-сотик, Хоразм кулолчилик мактаби йирик вакиллари Раҳимберди кулол, Отажон кулол, Султонбарди ку-

лол ва бошқаларнинг портретлари, иш жараёнлари акс этган фотосуратлар, иккдоридан намуналар ҳам намойишга қўйилган. Шу йил 3 июль кун кўргазманинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Келгусида уни ноёб экспонатлар билан янада бойитиб бориш, бу ерда сайёҳлар, маҳаллий аҳоли ва ёшлар иштирокида уста кулоллар, тарихчи олимлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш, шу орқали касб-ҳунар ўрганиш, устоз-шогирдлик анъаналарини кенг тарғиб этиш режалаштириб олинди.

Маънавият фидойиси

Илмга ошно қалб

Қадрли ўқувчи! Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, яна йигирма йилдан кейин сизнинг ёнингизда ҳамроҳ бўлиб қимлар ёки нималар қолади? Бойлик, турли тақинчоқлар, ҳаттоки, дўстлар ҳам аслида омонат эмасми? Ҳўш, ўша йигирма йил келганида энг кўп вақт ажратадиган телефонларимиз бизга содиқлик қиладимми? Йўқ, бундай бўлишига ҳеч ким қафолат бермайди. Ҳозирда келгусидаги йигирма йил тутул, йигирма сония ичида нималар бўлишини башорат қилолмаймиз. Илло, бир вафодоримиз борки, агар соғ-саломат бўлсак, сўнгги нафасимизга қадар бизга ҳамроҳлик қилади. Бизни ҳеч қачон тарк этмайди, содиқлиги учун мукофот ҳам кутмайди. Бизни борлигимизча қабул қилади. Бу, шубҳасиз, олган билимларимиз, эгаллаган малака ва кўникмаларимиз, йиллар давомида шаклланган маънавиятимиздир.

МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Мамлакатимизда маънавият борасида ҳавас қилса арзигулик ислохотлар амалга оширилоқда. Халқимизни, ёшларни, умумий қилиб олганда жамиятнинг барча қатлами ни қудратли куч ҳисобланган маънавият билан таъминлаш, мукамал маърифий муҳит шаклланиши йўлида хизмат қилиш учун кўплаб фидойилар сафарбар этилган. Бугун ана шундай инсонлардан бири бўлган устозимиз, фалсафа фанлари профессори, Маҳалла ва оила вазирлиги, Хотин-қизлар бошқармаси эксперти, Республика «Маърифат» тарғиботчилари жамияти аъзоси, халқаро спикер Жамила Шермухамедова ҳақида ҳикоя қилолмоқчимиз. Яқинда Жамила опа билан суҳбатлашиб, болалик хотиралари, мактаб даври, талабалик йиллари ҳақида қизиқарли маълумотларни билиб олдим. Устозимиз бундан етмиш йил илгари қадим Бухоронинг Қорақўл туманида (ҳозирги Қорақўл шаҳри) Шермухамедовлар оиласида таваллуд топган.

«ҲАММА ЯМОҚ КўРПАЛАР МЕНИКИ ЭДИ»

Ўта кучли тартиб-интизом билан ўн икки фарзанд тарбия топган оилага ўн биринчи бўлиб қадам қўйган, болалигидан падари бузрукворни Тошпўлат ота томонидан «Профсор қизим», дея эрқаланган, кечалари китоб ўқийман деб, қанча янги кўрпаларга ямоқ солинишига сабабчи бўлган маънавий тарғиботчиликнинг болалик даври чиндан барчамизга қизиқ. Ёзганларимиздан кўрпаларга ямоқ солиниши деган жойини ўқиб, хайратланишимизга танийди, албатта. Бу ҳақида эса Жамила опанинг ўзи шундай дейди: «Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Отам ўқиб учун ҳаммамизга китоб бўлиб берардилар. Ушанда менга Тагорнинг «Ҳалокат» асари берилди. Бир китобни ўқишга тушдимми, уни тугатмагунча қўлимдан қўймасдим. Ўша вақтлар кеч соат 8-9 дан кейин электр энергияси бутун туман бўйича узиб қўйиларди. Мен «Ҳалокат»нинг энг қизиқарли жойига келганимда аксиза олиб, яна чироқ ўчди. Ҳамма уйкуча кетган. Мен ҳам ухлай дейман-у, китоб қўлимда, ҳаёлим ундази воқеаларда... Ҳаммаданг ухлаганига амин бўлгач, лампани ёқиб, устимга кўрпани ёпиб, мутулага тушганим. Китобга берилиб кетганим, бир пайт кўганимнинг худини сездим. Қарасам, лампанинг оловидан кўрпам энди туташни бошлаган экан. Тез устимдан кўрпани олиб, лампани жойига қўйиб келдим. Бу ҳол бир эмас, кўп қайтариларди. Ўтмишда ямоқ солинган кўрпа нечта бўлса, ҳаммаси меники эди. Аммажоним «Бу ямоқ кўрпалар Жамиланики бўлса керак», деб онамга ҳазил қиларди...»

Ўқувчи ҳам ўқитувчи

Мактабдан ўқув йили ҳам ўз ниҳоясига етди. Хурсанд бўлиб айтганамки, жорий йил мактабни аъло баҳоларга тамомладим. Мактаб даврида

жуда қизиқарли, эсда ва қалбда қоларли воқеалар кўп бўлади. Ҳаётда ўз ўрнимизни топиш учун мактабда олган билимларимиз, оиламизда онгимизга синган тарбиямиз муҳим аҳамият касб этади. Қаҳрамонимиз профессор Жамила Шермухамедованинг эришган натижалари, кенг салоҳияти, юксак тафаккури, билим маънавияти, қалб гўзаллиги учун ҳам, аввало, оила, сўнгра мактаб таълим-тарбияси негиз бўлган, албатта. Устозимиз ўқувчилик кезларини қувонч билан эслайди. Мактабга қайсидир ўқитувчи келмаган бўлса, директор «дарсни Жамила қизим ўтсин», деб айттар, математиками, рус тилими, биологиями, қайси бўлишидан қатъи назар фан танламай Жамила опа дарсга кирар, гоҳи тендошларига, гоҳи кичик синф, гоҳида қатта синф ўқувчиларига ҳам мавзунини бир ўқиб олиб, устозлардек тушунтириб бера экан. Ҳатто ўша пайтлари устозимизга тендошлари томонидан кичкина ўқитувчи деган ном берилган экан. Доно халқимиз яхши ният – яриям мол, дея бекорга таъкидлашмаган. Эзлик беш йил илгари «кичкина ўқитувчи» деб ном олган устозимиз чиндан ҳам минглаб шогирдларга ўқитувчи бўлди. Фақат кичкина эмас, қатта юракли, жасоратли, иродали устозга айланди.

БУТУН ДУНЁ АЪЛОЧИЛАР АНЖУМАНИ

Жамила опа нафақат мактабда аъло ўқиган, балки ўз ташаббусларини олийгоҳда ҳам намоён қилган. Тошкент давлат университетига тўртинчи курсда ўқиб юрганида бир хабар олийгоҳ бўйича шов-шуварга сабаб бўлди. Германияда бутун дунё аълочилар анжумани ўтказилиши ҳақидаги хабар Жамила опани ҳам бефарқ қолдирмади. Унда қатнашишни чин дилдан истаган талабанинг нияти мустажоб бўлди. Германия минбарига ўзбек кяти нутқ сўзлади. Маъруза тугаши билан Жамила опани бир гуруҳ чет элликлар кураш, Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарлари ҳақида сўрай бошлади. Кизиғи шундаки, устозимиз уларга чет тилларида ўзларидан ҳам яхши гапириб, жавоб берибди. Бутун дунё анжумани иштирокчилари ўзбекистонлик аълочи талабанинг рус, инглиз, турк, форс, француз тилларида бемалол гаплаша олишини, тереан, ўткир фикрлар билдиришини кўриб, ҳайрон қолишган. Ушанда анжуман қатнашчилари Жамила опани ўз мамлакатларида ташкил этиладиган халқаро анжуманларга, конференцияларга таклиф этишган. Фидойи устозимиз шу кунга қадар жуда кўп мамлакат минбарларида нутқ сўзлаган. Жамила опа билан суҳбатлашганимда айлани дамда нималар билан шугулланингиз дея савол бердим. Устоз испан ва италия тилларини ўрганаётгани ҳақида айтиб қолди. Профессор, кучли психолог, халқаро спикернинг, энг асосийси, жорий йил етмиш ёшга қарши



олган муътабар ўзбек онасининг ўқиш ва ўрганишга бўлган муҳаббати ўн саккиз ёшли қизлардан ҳам кучли эканлигидан ҳайратда қолдим.

ИЛМ ОИЛАСИ

Оила жамиятнинг муҳим бўғини, Ватан ичиндаги кичик Ватандир. Жамила опанинг Жамила Шермухамедова бўлиши учун мустаҳкам оила тиргак вази фасини ўтаган. Оилада ишонч, самимиёт, муҳаббат, меҳр, тушуниш, ардоқлаш, қадрлаш қадриятлари шакллансагина мустаҳкамликка, бахтга эришиб бўлади. Жамила опанинг оиласи ҳақиқий илм, маърифат оиласидир. Устозимиз фалсафа фанлари профессори бўлса, турмуш ўртоқлари Расиқ Ильяс иқтисод фанлари профессори ҳисобланади. Икки мукамал билим ва кучли идрок эгаси бўлган профессорлар эзлик йилдирки, бахтли ҳаёт кечириб, буни бошқаларга ҳам билдириб умр кечиримокда. Улар фарзанд Ойдинхон Илёсованинг тарбиясига чин юракдан ёндашганлар. Қизлари аспирантуранинг имтиёзли тугатиб, бугун ўз оиласида фарзанд тарбияси билан машғул бўлибгина қолмай, илм билан ҳам шугулланипти. Қаҳрамонимизнинг уч нафар набираси Саидқиром, Саидэмир, Таминяхонлар «Жамила онамиздай китобни севаимиз» шioriини мақсад қилиб олишган. Қадрли газетхон, бугун устоз ҳақида ёзганман-у, бахтли, илмли, заковатли оилага ҳавасим келяпти. Сизнинг-чи..?

ШЕРМУҲАМЕДОВЛАР ШАЖАРАСИ

Қаҳрамонимизнинг ўн икки фарзанддан бири эканлигини юқорида келтирган эдим. Шермухамедовлар оиласининг суянач тоғи бўлган ўша ўн икки фарзанддан бири академик, яна бири доктор, бирлари иқтисодчи, инженер, профессор, куллас, халқ, миллат ва Ватан хизматидаги фидойилардир. Оила ютуқларидан деб қаҳрамонимизнинг «Меҳнат шухрати» ордени ҳамда кунча Мудофаа вазирлигининг «Еш авлодини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштироки учун» кўкрак нишони би-

лан эътироф этилганликларини ҳам келтириш мумкин. Инчунун, ўзининг шарафли шажарасига эга Шермухамедовларни Бухорода, Қорақўлда ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Айни кунларда эса Қорақўл шаҳрида ушбу шажаранинг музееи ташкил этилмоқда. Бу ҳақида Жамила опанинг ўзи шундай дейди: «Тўнғич ва ундан кейинги акам иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, Украинада қаҳрамонларга ҳалок бўлган. Қолган ака-опаларим ҳам қатта илмий ютуқларга эришган. Ота уйим жойлашган кўчага отажонимнинг номи беришган. Оиламиздан турли соҳалар бўйича мутахассислар етишиб чиққан. Шу сабабли ҳам шажарамиз музееи ташкил қилинган. Бунинг учун ташкилотчиларга алоҳида миннатдорчилик билдираман»

Биз ҳам жамиятимизга, маънавиятимизга дахлдор бўлган, жонқуяр устозимизга шундай самимийлиги ва меҳрибонлиги учун раҳмат айтаемиз. Музейнинг очилиш маросимида қатнашиб, насиб бўлса, у ҳақида ҳам алоҳида қалам тегратамиз. Шу кунларда Жамила опа муборак етмиш ёшга қарши олди. Устозга узоқ умр ва сийҳат-саломатлик тилаймиз.

Сўзиниз сеҳридан меҳр олганмиз, Ҳар қатра маносини билга солганмиз. Ҳикматлар шодангиз тақиб юракка, Шогирдлар сафида бўлиб қолганмиз.

Сийрату суварати гўзал онасиз, Ватан деб ашайсиз, юрт деб ёнасиз. Эзгулик қиласиз тиним билмасдан, Яшилшк бовида Сиз дурдонасиз.

Етмиш йил кўрилган баҳорлар ҳаққи, Феруз оқшомлар, назорлар ҳаққи. Қадрингиз осмондай баланддир дейман, Қанча қадрдонлар, дўст-ёрлар ҳаққи.

Минглаб болаларнинг меҳрибонисиз, Ватан ифтихори, шараф-шонисиз. Юрота Аллоҳа, қўли дуода, Ўзбекининг Жамила онажонисиз.

Онажон, соғ бўлинг, бизга тиргаксиз, Сиз халққа кераксиз, элга кераксиз. Барча тиллақларим атайим шодон, Сиз меҳри уммонсиз, қатта юраксиз. **Ёрқинжон ҲАЙИТБОВ, Сирдарё вилояти**

Эхтиром

Эзгуликка йўрилган умр



Маданият вазирлиги томонидан белгилаб берилган тармоқ йўл харитасида маданият соҳасида узоқ йиллар фаолият олиб борган устоз актёрлар, ижодкорларнинг юбилей тадбирларини ўтказиш, бадиий кечалар ташкил қилиш, факриилар босиб ўтган ижод йўлини бугунги ёшларга намуна сифатида кўрсатиш, устоз-шогирд аъёнларини янада мустаҳкамлаш мақсадлари кўзланган. Жумладан, 4 июль куни 42 йилдан буюн Андижон вилояти кўғирчоқ театрида шу соҳага бор меҳрини бериб, бир қанча шогирдларни етиштириб, бугунги кунда саҳна устаси мақомига етган ва ҳамон саҳнадан туш-

май келаётган Рашид Чўққиевнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан юбилей кечаси нишонланди. Тадбир карантин ҳолатларида амал қилган ҳолда жамоавий тарзда ўтказилди. Салкам ярим асрдан буюн бир соҳада тинимсиз меҳнат қилиб келаётган фидойий инсон, кўғирчоқларга бор меҳрини бериб, уларни ўз фарзандидек ардоқлаб, шундай улғу қуналарга етиб келган қадрли Рашид Чўққиевга бутун театр жамоаси унутилмас кунини ҳаёда этдилар. Кун қаҳрамонини Театр ва цирк томошаларини бошқариш бошқармаси бошлиғи Муқаддас Ахмеджанова, Андижон вилояти маданият бошқармаси

бошлиғи Марҳаб Сатторовалар ҳам сэмийий кутлашди. Ҳатто Россия Федерацияси, Владимир кўғирчоқ театри, Қирғизистон Республикаси кўғирчоқ театрларидан ҳам бир қанча табриклар келиб тушди. Бир инсоннинг улуғлигини унга келган сэмийий тилаклардан ҳам билса бўлади. 42 йиллик машаққатли меҳнати ортидан топган шундай чексиз хурмати Рашид акани тўлқинланганга юборди. Ҳаётини кеча қаҳрамони барчага эзу тилаклар учун чексиз миннатдорчилигини билдирди. Мансурбек РЎЗИЕВ, Андижон вилояти кўғирчоқ театри Бадиий бўлим мудир

Кун меҳмони

Инсонни синовлар тарбиялайди. Олдинга қўйилган мақсад учун фақат олдинга қадам ташлаш керак. Мағлубиятлар каттароқ марраларга яқинлаштиради. Ушбу пурмаёно сўзлар бугунги қаҳрамонимизнинг одатий турмуш тарзига сингиб улгурган. Газетамизнинг навбатдаги меҳмони бошқаларга ҳавас билан қарайдиган, болагидан мақсади аниқ, орзу-истаклари йўлидан оғишмайдиган, матонатли ва назокатли қиз, адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Назокат Шарифбоевадир. Асли хоразмлик бўлган Назокат ҳозирда Қорақалпоғистон давлат университетининг Ўзбек филологияси факультетида таҳсил олади. Аллоҳ берган истеъдод, устозлар ўғити ва тинимсиз меҳнатлари маҳсули ўлароқ етти йил деганда, яъни 2020 йил давлат раҳбари қўлидан давлат мукофотини олиш насиб этди. Бугун биз Назокатнинг кўнгли кечинималари билан қизиқдик.

Кўнгли очикнинг – йўли очик

Зулфияхоним издоши билан суҳбат



– Шунча йиллик ҳаракатлардан сўнг, ниҳоят, орзунгиздаги мукофотни қўлга киритдингиз. Ҳаммаси нимадан бошланган эди?

– Ҳар қандай катта галаба, аввало, кичик ютуқлардан бошланади. Қайсибир маънода эришилган натижалар, юз тутилган мағлубиятлар барчаси пойдевор вазифасини ўтагандек. Бошланғич синфда ўқиб юрган кезларим «Энг зукко ўқувчи» кўрик-танловда 1-ўринни олганим, кейинги интилиш ва ютуқларимнинг биринчи қадами эди. Вақт ўтиб, устозларим берган таълим ва ота-онам қўллаб-қувватлови остида тасвирий санъат, она тили ва адабиёт, спорт йўналишларида турли кўрик-танловлар, мусобақаларда қатнашиб, вилоят ва республикамиз миқёсида фахрли ўринларни қўлга киритдим. Энг қизиғи, шу йиллар давомида Зулфия номидаги Давлат мукофотига ҳужжат топшириш, шундай нуфузли даражага эришиш мумкинлиги сира ҳаёлимга келмаган эди. 9-синф пайтим ўқитувчиларим мени туман босқичига юборишди. Танловда ўз фаолиятимиз ва адабиётдан эгалаган билимларим, ёдлаган шеърларим ва болаларча ижодим билан иштирок этиб қайтдим. 1-ўринни олганимни эшитганимда ҳам доимий ҳолдек қабул қилганман. Чунки ўшанда бу танловда қатнашининг ўзи катта эътироф эканини билмагандим. Кейин вилоят босқичи, ижод, адабиёт, сийёсат юзасидан саволлар, суҳбат ва республика босқичида иштирок этиш имконияти туғилди. Азим Ташкент, юртимизнинг барча худудларидан келган номзодлар билан учрашиб, суҳбат ва имтиҳонга тайёрланиш жараёнлари... Худди шу дақиқаларда наҳотки мен ҳам Давлат мукофотига номзодман деган ҳаяжонга тўлганман. Бу ҳисни туйибшинг ўзи менга ҳар қандай мукофотдан ортиқроқ бахт берарди...

– Сизни бу маррага олиб келган энг асосий омил нима эди?

– Инсон дунёга келар экан, ҳар куни ва ҳар қадамда синовлар, муваффақиятлар ва мағлубиятлар ичда яшайди. Буни тўғри қабул қилиш ва уларга чалғиб қолмай, фақат олға интилиш керак, деб ҳисоблайман. Бизга оиламизда ҳар бир нарсани ҳиммат борлигини, доимо ўзимизга ишонимизимиз лойимлиги, йиқилса ҳам, яна ўрнимиздан туриб, йўлда давом этишимиз зарурлигини ўргатиб келишган. Бу насихатлар акаларимнинг олий таълимга ўқишга киришида, менинг эса катта марраларни эгалашимда асосий омиллардан бири бўлди, назаримда.

– Мукофотдан олдинги ва кейинги ҳаёт тарзингизда ўзгаришлар бўлдимми? Шу фарқ ҳақида ҳам гапириб берсангиз

– Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу мукофот соҳибаси деб топилганим ҳақидаги хабарни эшитган, аввалига ишонмадим, ўзимдан-ўзим қайта-қайта “шу ростми”, деб сўрардим, лабимда табассум, кўзларимда қувонч ёшлари шошқатор оқарди. Билмадим, бу шундай даражани оддий бандасига насиб қилган Аллоҳга шукроналикми ёки неча йиллардан буюн ушалмай келган, бу йил ҳам университетдаги устозларим қатнашимизга кўндирмаганда, юрагимда армон бўлиб қоладиган ниятнинг мустажобими, балки ота-онам берган тарбияси, ўқитувчиларимнинг таълими, камтарона меҳнатларим, сабрим учун ҳаётинг совғасими? Мухтарам Президентимиз нишонини ўз қўллари билан тақиб қўяркан, «Қизим, муборак бўлсин. Бу – биринчиси, сизга ишонаман, бундан ҳам кўпларинга муносибсиз, фақат олға интилинг!», дея қўлларини сикиб қўйганларида, мен шу юртингиз, Ўртбошимининг ишончи эканлигини, насиб қилса, олдинда катта марралар кутаётганини ҳис этдим. Ана шу дақиқалардан бошлаб, оддий қиз эмас, елкасига Давлат раҳбари ишончи, кўксига Давлат мукофоти қўшилиб, катта масъулият тақилган қизга айландим. Совриндор бўлишдан олдинги Назокат билан ҳозиргиси қалбан аввал қандай бўлса, шундайлигича қолган. Аммо бир пайтлар худди мен ҳавас билан қарагандек, менга ҳам ҳавас қилаётган дугоналарим, сингилларим ҳаётимда пайдо бўлаётгани сабаб, ўз билимим ва тажрибамни уларга ҳам ўргатиш, изланиш йўлларида қўлимдан келганича маслаҳатларим билан кўмаклашиш завқи, яна ҳам юқори марраларни забт этиш нияти ҳаётимдаги муҳим ўзгариш бўлди.

– Мукофотни ололмаганлар орасида ҳар хил гап-сўзлар тарқалади. Яъни танлов адолатсиз ўтди деган маънодаги. Аввалги йиллари сиздан ҳам шундай фикрлар ўтгани табиий. Бугун у қанчалик ўзгарди?

– Одатда сиз муҳим деб ўйлаган нарсаларини йўқотаверсангиз ва унинг ўрнига янада ҳайрлисини топаверсангиз, ҳар нарсадан ҳайр излайдиган бўлиб қолар экансиз... Ҳар нарсадан... Ҳаётимизда нимаики содир бўлмасин, бу ҳам бир неъмат, Аллоҳнинг

бергани. Буни англаган инсон чиройли сабр, гўзал гумон қила олади... Яратгандан фақат яхшилик кутиб яшашни бошлайди... Ҳамма нарса орта қараб кетса ҳам, буни англаш учун вақт керак... Аммо вақтида англай олангиз, қандай яхши. Қанчадан-қанча асаб толаримизни ноҳуд бўлишдан, кўз ёшларнинг уволидан асраб қоламиз... Албатта, олдинлари менда ҳам совриндор бўлолмаганим учун хафагарчилик, кўз ёш тўкиш, энди бошқаларнинг юзига қандай қарайман, мендан умид қилишгани, деган ўйлар ўтарди, ҳатто, ҳақиқат йўқ, пули ёки “танкаси” йўқлар ололмайди, шунча экан нархи, аниқ эшитдим, деган гапларга ишонган пайтларим ҳам бўлган. Шунинг учунми ора-орада мукофот учун номзодлигимни топширмаган йилларим ҳам бўлган. Бу ҳам қайсибир маънода ҳаётдаги янги муваффақиятларга эришимизга имкон яратган, деб ўйлайман. Аммо бир нарсани аниқ биламанки, доим мукофот олган қизларга ҳавас билан боқардим. Бошқаси мен учун аҳамиятсиз эди. Ҳатто, улардан бири билан суҳбатлаганим, яқиндан кўрганам учун қувониб ҳам юрдим. Ойим доим айтгандилар: “Қизим, кўнгли очикнинг – йўли очик. Ҳар қачон ҳавас қил, шунда сенга ҳам насиб қилади”, – деб. Бу бебаҳо ўғитнинг ҳаётимдаги исботини шу кунгача аста-секинлик ва сабр билан кўриб келаяпман. Ва ниҳоят шу йили тақдир менга ҳам орзум рўёбини тўхфа этди.

Адолат ёки адолатсизлик ҳақида гапирсам, бу қачонки мен олсам ҳақиқат бор, бошқа қиз олса ноҳақлик бўлди, деган қарашдан йироқ юришимиз керак, деб ўйлайман. Утган йиллардан фарқи ўлароқ, бу йилги шаффоқлик, очиклик ва ошқоралик билан ўтказилган танловдан кейин нафақат мен, балки республика босқичида иштирок этган 314 нафар номзод ҳам совриндор бўлишига ишонди, умид қилди. Айни вақтда мукофот танловини адолатсиз бўлди, ёки аслида, мен лойиқ эдим дегган дугоналаримиз йўқ эмас. Республика босқичигача борган ҳар бир қиз бу мукофотга лойиқ, ҳеч ким бир-бирдан кам эмас, шунчаки қайсибир жиҳати устуллик қилиши сабаб совриндорлар аниқланади, деб ўйлайман. Бу борада эса барча номзодларга ва энди шу истакда юрганларга ҳаётимдаги муваффақиятларим сирини очмоқчиман:

Ҳавас+ният+дуо+умид+меҳнат+сабр=Омад ва мақсадлар рўёби.

– Нима деб ўйлайсиз, мақсуд давлат мукофоти эътирофи ёки имкониятлар учун “паттами”?

– Бу саволнинг вақоига тўхталишдан олдин

ўзи Зулфия номидаги Давлат мукофоти қачон ва нима сабабдан берилишига ойдинлик киритганимиз тўғрроқ бўлади, назаримда. Барчамиз бу мукофотнинг “Аъло ҳулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, маданият, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун” тақдим этилишини биламиз.

Менимча, Ўзбекистонда бир марта бўлса ҳам, ушбу мукофотга ҳавас кўзи билан қарамаган қизнинг ўзи йўқ. Лекин унга номзодини қўяётганда, ҳамма кўнглидан ҳар хил мақсадни ўтказиши мумкин. Кимдир, сиз айтганингиздек, олий ўқув юртига грант асосида ўқишга киришни, кимдир эришган натижалари ва меҳнатларининг муносиб тақдирланишини, кимдир обрў-эътибор, яна бирлари ота-онаси, яқинлари орузини амалга ошириш учун танловда иштирок этади. Хуллас, бундан бошқа сабаблар ҳам бисёр. Илк йиллар номзод бўлганимда менинг кўнглимдан ҳам имтиёз билан ўқишга кириш мумкин экан, деган ҳаёл ва ният ўтган. Лекин бора-бора шунинг англадимки, ҳеч қачон имтиёз учун ҳаракат қилмаслик керак экан. Меҳнат билан, қийинчилик кўриб эришилган галабагина инсонга чинакам бахт олиб келаркан. Буни мактаб, лицейни қизил дипломга тийриб, фанлардан тайёрланиб, университетга грант асосида ўқишга қабул қилинганимда ҳис этдим. Бугун орадан йиллар ўтиб, кўксимдаги нишонга боқиб, уни нафақат шу пайтгача босиб ўтган йўлларим учун, балки келажакда амалга оширишим керак бўлган улкан ишларга берилган ишонч тумори деб биламан. Ким учундир мукофот эътироф, ким учундир имкониятлар калити, аммо мен учун – йўлчи юлдуз!

– Кейинги издошларингизга қандай маслаҳат ва тасвияларингиз бор?

– Ҳаётда энг арзон, энг қиммат нарса ҳам вақт, дейишади. Унинг нархи ким қандай фойдаланаётганига боғлиқ. Бугунги ёшлар Ўртбошимиз, халқимиз, ота-она ва устозлар орузи, умиди, ишончини рўёба чиқарадиган келажак эгаларидир. Қачонки, ҳар бир тенгдошимиз шунинг юракдан ҳис қилиб яшай бошласа, ана шундагина биз бирлаша оламиз, катта-катта эзу мақсадларни амалга оширамиз. Ёшларга айтадиганим, ютуқлар, мукофотлар интилиманг, сиз шундай бўлингки, унвонлар, мукофотлар қаторлашиб сизга берилишга навбат кутишин. Барча тенгдошларимга, опа-сингил, ака-укаларимга ижодий ва илмий изланишларида омад ва муваффақиятлар тиламан.

Карим ЗАРИПОВ суҳбатлашди.

Касбга сadoкат

Театр фидойилари



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахрулло Раҳимов 1980 йил Тошкент давлат театр ва расмоччилик институтининг кино ва драма актёрлиги факультетини муваффақиятли битириб, Самарқанд вилоят мусикали драма театрида ўз ижодий фаолияти бошлади.

Ўткир интеллектуал салоҳиятга эга тажрибали актёр ўз фаолияти давомида театрда саҳналаштирилган кўплаб спектаклларда бош қаҳрамонлар ва характерли ролларни юксак

маҳорат билан ижро этиб, репертуарни бойитиб келмоқда.

Бахрулло Раҳимов ижросидаги ўтмишимизни тарихий жиҳатдан асослаб беришга қаратилган Бехбудий ва Амир Темуру сиймолари минг-минглаб томошабинлар қалбини ларзага келтира олган.

У пухта характерли Аббос («Мирзо Улуғбек»), Зухайли («Имом Бухорий»), Хилми Афанди («Ҳийлаи шайрий»), Бойбўри («Алпомиш»), Амир Темуру («Самарқанднома»), Махмудхўжа

Бехбудий («Бехбудий»), Амир Насруллохон («Нодирабегим») каби тарихий қиёфаларни маромига етказиб ижро этган.

40 йиллик ижодий тажрибага эга маҳоратли актёр талқинидаги Ҳодибой («Тошкентдан келган меҳмон») Олимтой («Темир хотин»), Ота («Оилавий сир»), Профессор («Ўттиз ёшлар»), Гадей ота («Зар ховузнинг бўйларида») каби образлар мутахассислар эътирофи ва томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

М.МАМАДАМИНЗОДА

Нуктаи назар



Мен журналистман...

Мен журналистика факультетига ҳужжат топширганимни эшитган кўпчилик, "Юраркансан-да, битта костюм-шимни ўн йил кийиб?" деган фикрларни билдирганди. Ёшлиқда шижоатми ёки ана шундай гапларга қасд қилмаганимни, ўқигани кирдим ва бугун озми-кўми шу соҳа ривожига ҳисса қўшиб келяман. Балки ҳеч нарса қилмагандирман ҳам... Лекин бир нарсани айтишим керакки, ҳозир бир эмас, бир нечта костюм-шимим бор... Яна эндигина иш бошлаганимда, таржима билан шугулланар эканман, қишлоққа борганимда нима иш қилаётганимни эшитган ёши улғу амаким, танга терар экансан-да, дея клавиатура харфларини хар босганимда ҳисобимга қанчадир танга ёзилишига нима қилган.

Журналистика сўзи французча journaliste сўзидан олинган бўлса ҳам, француз тилига латинча diurnalis, diurnale "кундалик янгилик, хабар" сўзларидан кириб келган экан. Бу касб эгалари оммавий ахборот воситаси ёрдамида ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва тарқатиш билан шугулланади. Журналистиканинг илмий тартиби матбуот пайдо бўлиши билан юзага келди. XIX асрнинг иккинчи ярми XIX аср бошларида фото ва киножурналистика, 1920-1940 йилларда эса радио ва тележурналистика пайдо бўлди.

Журналистика тузилма нуктаи назаридан оммавий ахборот воситасининг бир қисми ҳисобланади. Яъни худди матбуот, телевидение, радио, интернет ва бошқалар каби жамиятнинг кўптармоқли институтлари қаторига кирди. Бир қатор тадқиқотчиларнинг айтишича, журналистиканинг икки асосий йўналиши мавжуд: тадқиқот ва тергов журналистикаси. Қондага кўра, журналист-тадқиқотчи ахборотнинг очик манбалари билан ишлайди, тергов жараёнида эса очик бўлмаган, яъни махфийлари билан ишлайди.

Журналистика – газета ва журналлар тахририятлари, телерадиокомпаниялари қамраб олувчи жамиятнинг ижтимоий институти. Шунингдек, у ишлаш, олиш, қайта ишлаш ва ОАВда тарқатиш ва бошқаларни қамраб олувчи фаолият тури тизими, касблар жамланмаси, ижодий тизим, алоҳида фан демак. Яна унинг ахборот, алоқа, гоғайи, маданий-маърифий, ташкилий, реклама-маълумот функциялари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, журналистиканинг жанрлари ва йўналишлари бор.

Ҳулас, мудоаим Сизга журналистика нима эканлигини ўргатиш эмас. Ким қизикса, кимга керак бўлса, устозлар, олимлар томонидан қўлланмалар, дарслик аргитланган, марҳумат, ўқисин, ўргансин. Ёки интернетни титса, керагидан ортиқ маълумот топади. Ҳар доим ҳам эмас, баъзи ҳолатларда журналистиканинг мақола, хабар, лавҳа, репортажга кўтарилаётган масаласи бир томонлама назар солишди. Ҳўш, бу нима дегани?

Масала, муаммо кўтарилмоқда. Журналист жойига бориб, уни ўрганади. Керакли маълумотларни тўплайди. Масалани, муаммони кўтарган томон фикрларини эшитишди. Бор маълумотларни умумлаштиради. Кейин оммавий ахборот воситаси орқали эълон қилади. Бу журналистнинг одатда қиладиган ишлари. Кўп меҳмони материаллар мана шу кўринишда тайёрланади ва омма эътиборига ҳавола этилади. Жамият, яъни жамоатчилик эълон қилинган материал асосида воқеа-ҳодиса юзасидан фикрга эга бўлади ҳамда шунга асосланиб ҳулоса чиқаради.

Ҳар бир фўқаро ўзинга яраша ҳулоса қилишга, эркин фикрлашга эга эканлигини инобатга олсақ, бу тўғри. Аммо журналист оддий фўқаро эмас. Унинг бўйнида жақка катта масъулият турибди. У кент жамоатчилигининг бирор ҳолатга нисбатан ёки ижобий ёки салбий фикрини шакллантиради. Унда фикрни, керак бўлса, дунёқарашни йўналтириш, уларни ортидан эргаштириш имконияти бор. Лекин баъзи ҳолатларда танганинг иккинчи томони ҳам борлиги эсдан чиқиб қолаётгандек, гўё...

Масалан, яқинда бир янгиликлар сайтида республика вилоятларининг бир туманида давлат тилида иш юритишга етарлиқ эътибор қаратилмаётгани, масъуллар бу масалага эътиборсизлик билан қараётгани ҳақида материал

берилди. Мақолада муаммо кўтарилган, бугунги кундаги ҳолат ҳақида қисқача бўлса ҳам маълумот берилган. Аммо муаммо ечими ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмаган. Ҳаёлингиздан нега энди журналист муаммо ечимига тўхталиши керак, деган фикр ўтдими? Бердиси айтганча, шоммай туринг-да.

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб, улардан фойдаланадиганлар қайсидир маънода журналистик фаолиятини юритяпти. Бир пайтлар, адашмасам, ўн йиллар аввал, ҳамма журналист бўлиши мумкин, деган фикр билдирилганида ҳайрон бўлиб, елка қисиб қўйгандим. Бугун ўша кун келди. Кўча-кўйда кўрган, дуч келган, гувоҳи бўлган ёки бошидан ўтган нарсани дуч келган кимса ижтимоий тармоқлар орқали тарқатиб, бу жараёнга нафақат тармоқ фойдаланувчилари, балки масъуллар эътиборини ҳам қаратмоқда. Натижада муаммоларнинг қайсидир қисми ҳал бўлмоқда. Оддий фўқаро профессионал журналист ҳам, ОАВ вакили ҳам эмас. Ҳатто бу соҳага оид маълумоти умуман йўқ. Унга профессионалик, масалани кўтардингми, ечими ҳақида ҳам тақлиф бер, дея талаб қўя олмаيمиз. Бирок журналист шунчаки масалани кўтариш билан чеklangмасига керак. Аслида бу жуда оддий формула:

Масала + асл ҳолат + қатнашчи, масалани кўтарган томон ёки фўқаро фикри + масаланинг қонуний жиҳатлари + мутасаддилар фикри=масаланинг ечими.

Бу формулани ҳам ижобий ҳамда танқидий материалларга нисбатан қўллаш мумкин, менимча. Чунки ҳар икки ҳолатда ҳам томонлар фикри жуда муҳим. Ахир судда ҳам суд жараёни адолатли бўлиши, тегишли қарор чиқаришда ҳатога йўл қўймаслик учун икки томоннинг фикри эшитилади-ку... Демак, журналист ҳам ўз материални тайёрлашда юқоридаги ҳолатларга эътибор қаратиши керак, део ўйлайман.

Ҳа, айтганча, мен касбим, олган маълумотим бўйича оддий журналистман ва айтаётган фикрларим факатгина ўзимга тегишли. Улар Сиз учун бир тўбинга қиммат бўлиши ҳам мумкин. Бундан ҳафа бўлиш йўқ. Чунки Сизнинг ўз фикрингиз бор ва мен буни ҳурмат қиламан. Шу соҳада фаолият юритаётганим учун факат биргина ҳолат юзасидан фикримни билдирдим. Бунинг хато деб ҳисобланганиз, бу Сизнинг фикрингиз ва дунёқарашингиз.

Кези келганда тажрибали журналистлардан, устозлардан махдмадоналигим учун узу сўрайман. Чунки кўп нарсани битта уэр сўраш билан кечирилиб кетаётган бир пайтда узримни қабул қиласизлар, деган умиддаман. Менинг фикримча, профессионал журналист нафақат масалани кўтариши керак, балки унинг жавобини ҳам топишга қўмақлашиши зарур!

Яна бир нарсани: Қайёққа қарама, ўлдирди, урди, сўйди, ўт қўйди, портлади, ёнди, қўйди, бузди, сўкди, мушталашди, пичоқлашди, алдади, хиёнат қилди, ушлаб олди, қўйиб юборди, ажрашди, ташлаб кетди, қаммади ва яна шунга ўхшаш нималардир.

Шу ўринда яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат, чин севгимуҳаббат, хайрли ишлар ҳақида ҳам ёзишни, ҳўрсатишни унутмайлик, азизлар...
Нурилло АБДУЛЛАЕВ, журналист

Кўнгил малҳами

Санъат қаерда бидъат бўлса, шу ерга шошиши керак

Қалбларимизда муштарак тўғўгуларни уйғотувчи санъат ва маданият, адабиёт, маърифат каби эгизак тушунчалар ҳаммиша жамият тараққиёти мезони ҳисобланган. Жумладан, ҳар қандай соҳага дахлдор санъат сўзининг маъноси шу қадар серқирраки, ҳаётимизни усиз тасаввур этолмаймиз. Бу ҳақда улғу аждоқларимиздан бири Абу Райҳон Бериунининг шундай сўзлари бор: "Яхши ҳўлқ яхшилик аломатидир. Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати эса ўз ишмини қийиллатиб, санъат даражасида бажаришидир". Яъни ҳар қандай касб эгаси ўз вазифасини сидқийланиб, юқори савияда бажарса, унга санъат даражасидаги асар ёки махсўлот дея таъриф берилган.

Демак, ўқитувчининг олий даражадаги дарси, шифокорнинг ҳаётбахш муолажалари, хунарманд яратган бетақорор, гўзал жиҳозлар, ҳайкалтарошнинг, расмонинг, ёзувчи шоирларнинг ҳайратомуз ижод махсўллари бетақорор санъат намуналарига қиселсанган. Дунё донишмандларидан бири Жорж Санд "Санъатга элгувчи йўллар жуда машаққатли, лекин бу йўллардан баъзан чиройли гулларни узши мумкин" деганида сабр-тоқат, чидам ва бардошнинг натижасида эришиладиган санъат асарларини назарда тутгани аниқ. Алломаларимизнинг санъат ҳақидаги фикрларини давом эттириб айтиш мумкинки, "қалбларимиздан жой олган санъатнинг умри боқийдир". Дарвоқе, санъатнинг асосий вазифаси ҳам юракларни тўлқинлантириш, эзгу тўйгуларга ошно этиш, яқшликка ундашидир. Бу ўринда тасвирий санъат усталари, ҳайкалтарошлар, тоштарош, уста хунармандларимиз яратган бетақорор ижод намуналарини келтириш мумкин. Санъатсевар халқимиз ҳар қандай санъат яратувчиларини азал-азалдан қадрлаб келган. Таъбир жоиз бўлса, "бошига кўтарган". Аиникса, санъаткор деган номни кўтариб юрган ҳофизларимиз, хонандоу созандалар, кино ва театр артистлари, актёрларимиз доимо давралар тўрида, уларнинг машаққатли йўлларда синовдан ўтган, сайқалланган ва оқибатда юраклардан

жой олган санъати бор. Ҳаёт ҳақиқатларини саҳнада кўрсатиб берадиган, юзимизга кўзгу тутадиган ҳам санъаткорлардир. Шунинг учун ҳам уларни кўрганда кўнгил ёришади, ижроларидан завку шавққа тўламаиз. Ёқимли мусиқа, куй-қўшиқларни тинглаганда ҳоргин, маъюс диллар ором топади, гаплардан халос бўлади. Мана, нима учун санъаткорлик шарафи улғу, маъсулияти тоғлар қадар юксак. Ахир улар доим назаримизда, ёшларимизнинг диққат-эътиборида. Гўзал ҳўлқ-атвори, дид-фаросати, кийиниши, муомала маданияти билан ҳар биримизга ўрнак бўлишлари керак. Лекин, гуручу курмаксиз бўлмайди, деганларидек, ахён-ахёнда ўза замонавий, тор-танқис, очик-сочик, ҳатто арим аланғоч ҳолда томошабини қаршига чиқшидан орқилмайдиган кўштирноқ ичиди санъаткорларни кўрганда дилнинг ранжийди, кўнгил хира тортади. Бу ҳолатни замонавийликка йўйишдан аввал яна бир алломанинг (Б.Брект) шундай фикрларини келтирмоқчимиз: "Санъат қаерда бидъат бўлса, шу ерга шошиши керак". Фикримизча, одамларга тўғри йўлни кўрсатиш биринчи навбатда санъаткорларга боғлиқ. Улар ўзлитимиздан тонишини, гарбона маданиятга берилиб, миллий қадриятларимизга нописандлик билан қарашни эмас, дунёда инсондек яшашни тарғиб этишлари керак. Инсон эса ҳаммиша оддийлик, самимийликдан куч олади. Та-

биятта суянади, Яратганинг неъматларига шўкҳ қилади. Ота-боболари ўғитларини, удулларини унутмайди. Баъзиларнинг ўтмишини эслаб яшаш мусибатдир, деган илдооларидан фарқли ўлароқ "Ўтмишсиз келажак йўқ" деган пурмаёмо фикрларни ёдда тутайди. Америкалик ёзувчилардан бири Генри Торо айтганидек, биринчи навбатда муомтоз асарларни ўқинг, акс ҳолда бунга улғурмай қолиш мумкин. Зеро, миллий маданиятимиз, санъатимизнинг асоси ҳам муомтоз мусиқа, муомтоз санъатнинг жамият ҳаётидидаги ўрни ва таъсири янада ошириш ҳақидаги сўнгги муҳим ҳўжжатларида ҳам глобаллашув жараёнидан четлашмаган ҳолда муомтоз мусиқамиз – мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси – Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этиш тўғрисидаги ҳарори баён этилган. Бу илдиликлар мустаҳкам миллий мусиқа маданиятимизни пойдевори устига қурилаётган замонавий санъат турлари ўз жозибаси билан кўнгилларга малҳам, қалбларга эзгулик эъисини тараитишшубасис. Уларнинг ижрочилари эса юксак маънавияти, маданияти, дид-фаросати, бетақорор санъати орқали эл-юрт меҳри, Ватан эъзюига сазовор бўлиш шубҳасиз.
Сайёра РИХСИЕВА



► Расман!

Карантин чекловлари кучайди

Ўзбекистонда 10 июлдан 1 августга карантин чоралари кучайтирилади. Бу ҳақда республика махсус комиссияси ахборотида маълум қилинди.

2020 йил 10 июлдан 2020 йил 1 августга қадар республика миқёсида:

а) қуйидаги карантин чекловлари жорий этилди: автотранспорт воситаларининг ҳаракати чекланди; давлат органлари ва ташкилотларнинг асосий иш фаолиятига таъсир этмаган ҳолда қонунчиликда белгиланган тартибда меҳнат таътилига чиқарилиши, қолган қисмининг меҳнат фаолиятини максимал даражада мософадан туриб (онлайн ёки дистанцион тарзда) ташкил этилиши белгиланди;

давлат органлари, ташкилотлар ва корхоналарда йиғилишлар ўтказиш тақиқланди, зарур ҳолларда йиғилишлари видеоконференца қолимида ўтказиш белгиланди;

худудлар ўртасида автотранспорт воситалари қатнови тақиқланди (қиллоқ ҳўжалиги махсуслотларини еттиштирувчи ташкилотларга тегишли хизмат ва шахсий автотранспорт воситаларининг ҳаракати бундан мустасно);

томоша, маданий-ҳўжичоқлар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш тақиқланди;

тўй ҳамда бошқа оилавий маросимларни ўтказиш тақиқланди;

65 ёшдан ошган шахсларнинг жамоат жойларида, шунингдек, аҳолининг кўчалар ва майдонларида уч кишидан ортиқ бўлиб ҳаракатланиши чекланди.

б) қуйидаги объектлар фаолияти тўхтатилди: парклар ва истироҳат боғларидаги аттракционлар; буюм бозорлари ва буюмлар савдоси билан шўғулланувчи йирик дўконлар;

спорт заллари, фитнес клуб, тренажер ва бассейнлар; ташкилий-ҳўжичоқ ва мулкчилик шаклида қатъи назар мактабга таълим ташкилотлари, ўқув курслари ва ҳар қандай тўғараклар;

умумий оқватланиш объектлари (ресторан, кафе, ош-

хона, чойхона) (етказиб бериш (кейтеринг) хизмати бўлмаган ҳолда);

санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмон уйлари, пляжлар ва бошқа дам олиш масканлари;


в) халқаро авиақатновлар ва юк ташувлар билан боғлиқ қўйидаги янги тартиблар белгиланди:

халқаро авиақатновлар хорижий давлатлардаги эпидемиологик вазиятни таҳлил қилган ҳолда икки бераварлик қисқартрилди;

халқаро юк ташувлари амалга оширадиган автотранспорт воситалари хайдовчилари мажбурий тартибда कोरोनाвирус инфекциясини аниқлаш бўйича тест топширади.

► Мулоҳаза

Ўқитиш – масъулият, уқтириш – мажбурият



Мактаб – илм маскани. Бу даргоҳда инсон умри мобайнида бойитиб борадиган билим дунёсининг тамал тоши қўйилади. Агар мактабда илм мустаҳкам олинса, унинг устига қуриладиган бино ҳам ўз таянчидан қулаб кетмайди, акс ҳолда мўрт пойдевордан тикланган улкан қаср узоққа бормай қулаб тушиши тайин.

Ҳар қандай ривожланиш ўз бошланишига эга. Айтайлик, мактаб ёшидаги бола илмга чанқоқ бўлади. Ўзи қизиққан ахборотни излайди, оламдан хабардор бўлиш туйғуси уйғонади. Шундай экан, унинг йил сайин кенгайиб борадиган тафаккурини билим билан бойитиш лозим. Бу жараёнга қайсидир оила бошлиқлари ўз вақтида амал қилишса, бошқа бирлари сал кечроқ чора кўришади.

Замон бир зайилда турмайди. У доим тараққиёт сари илдамлаган. Бу йўлда эса мукамаллик шаклланиб борган. Яъни соҳа ёки билим мукамаллиги. Олий таълим масканлари қириш жараёни бундан 10 – 15 йил олдин бошқа қиёфада эди, бугун эса ўқиш истагидаги ёшлар сони ҳам кўп, ҳам анчагина билимли эканлигини кузатамиз. Бу шунинг аниқлиги, энди ўрин эгаллаш учун рақобат кескин ва қийин кечади. Фақат чуқур билимга эга бўлганларгина талаба бўлиш, яхшироқ жойда ишлаш бахтига эришадилар.

Кузатсак, аксар ота-оналар фарзандларини қўшимча дарсларга қўйишмоқда. Кимлардир маҳалласидаги энг билимли ўқитувчини бу ишга ёллашса, яна бошқалари туман ёки вилоят марказларига жўнатиб, фарзандининг сифатли қўяётганини аниқлашмапти. Даврдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, улар замон талабини кеч фаҳмлашяпти.

Сўзимизни мисоллар билан асослаймиз. Ҳар қандай қўшимча дарс берадиган устоз (репититор) ҳам мак-

таб дарслигидан фойдаланади. У фанга ҳеч қандай янгилик киритмайди. Айтайлик, она тили фанидан “От” сўз туркуми мактаб даврида ким? нима? сўроғига жавоб берган бўлса, репититорга борганда бу сўроқлар “учиб” кетмайди. Тарихда юз берган “Лой жанги” мактаб дарсларида 1365 йилда бўлиб ўтган дейилса, тайёрлов курсида 1366 ёки 1364 йилларга ўзгартиб қолмайди. Ҳўш, шундай экан, нега ёшларимиз қўшимча дарсга қатнаб ўқишга киришяпти? Мазкур саволга жавоб ота-оналарнинг ўзида. Гап шундаки, улар фарзандларига илм олиш борасидаги талабларни анча кеч, яъни мия-си қотиб бўлган вақтда қўйишяпти.

Агар бирор оила бошлиғидан “Нега болангиз мактабни тамомлаган йилдан ўқишга қиролмади?”, “Нима учун фарзандингизнинг билим олиши кераклигини кеч англаб, репититорга бердингиз?” деб сўрасангиз, улар бир талай сабабларни келтиришади. Мисол учун, қайсиларидир мактаб дарсларининг 45 дақиқадан ўтилиши яхши ва етарли билим олишга камлик қилади дейишса, бошқалари чекка қишлоқларда ўз фанидан дарс берадиган мутахассисларнинг етишмаслигини дастак қилишади. Лекин ҳеч бири боласи ўз айби билан мактабдан чаласавод бўлиб чиқаётганини айтишмайди. Яна бир ачинарли томони, ўз мажбуриятларини тўлиқ англаб етмаган ҳолда, бу тоифага кирувчи ота-оналарнинг ўқитувчи шахсига бўлган муносабати кескин ўзгармоқда.

Ёши катталарини тингласангиз, улар даврида устозлари савалга ўқитишганини эшитасиз. “Эти сизники, суяғи бизники” қабилидаги иборалар бежизга айтилмаган. Лекин бугуннинг ота-онаси бундай муносабатни асло қабул қилолмайди. Демак, ҳар бир замоннинг ўз тошу тарозиси бор.

Энди юқоридаги фикримизни давом эттираемиз. Илгари бола ол-

ган жазосини ота ёки онасига етказса, “яхши ўқимаган дирсан-да!”, дех қўшимча тарсак билан сийланган ёки яхшигина дакки эшитган. Ҳеч қаердан нажот ололмаган ўқувчи

фақат илм билан ҳурматга эришиши мумкинлигини фаҳмлаган ва аъло баҳоларга ўқишга интилган. Эҳтимол, шунинг учун, у даврларда бугунгига ўхшаш “Ўқишга кир ва машинали бўл!”, “Талаба бўл ва квартирга эгасига айлан!” қабилидаги рекламалар билан ўз вақтида масъулиятини ҳис қилмаган абитуриентларни бағрига олиб, сабоқ берадиган, талаба бўлиш бахтига сазовор этадиган тайёрлов курслари учрамагандир. Балки, шунинг учун у пайтларда мактабни тамомлаган йилёқ ўқишга қирганлар сони кўп бўлгандир. Эҳтимол, шу сабабдан олган сабоғи нафақа ёшида ҳам ёдида тургандир. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам, улар ҳануз алақачон оламдан ўтиб кетган устозларини ҳурмат билан эслашади, дуо қилишади.

Бугун ота-оналар онгида ҳам катта ўзгаришлар кузатиляпти. Ўқитувчи билимсиз ва дангаса ўқувчи устидан арз қилгудек бўлса, сабабини ҳам сўрамай мактабга югуриши, олий маълумотли устоз ҳиқилдоғидан олшини яна қандай изохлаш мумкин?! Боласининг ёлғонини деб ёнида ўқитувчисини ёмонлаб ўтириш улуғ касб эгаси бўйинини ерга уриш эканлигини улар, афсуски, тушунишмайди. Пайти келиб бундайлар икки баҳога ҳам арзимайдиган билими бор фарзандини олий маълумотли қилиш учун каттагина сармоа сарфлашади. “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”, дейишганидек, сабаби айрим ота-оналар бепул таълим бераётган ўқитувчининг қадрини шундай тушунишар?! Негаки, боласини талаба қилиш ниятида анча-мунча пул тўлайдиганлар репититорга ҳурмат билан муомалала бўлиши, курсидан ҳайдаб юборса, ялиниб-ёлвориб бориши айна ҳақиқат-ку!?

Бугун нафақат ўқитувчи, балки ота-она ҳам елкасида турган улкан масъулиятни ҳис қилиши лозим. Чунки бола фақат устозидан эмас, оиласидан ҳам дарс олади. Эндилликда оила бошлиқлари фарзандини тергаш билан чекланмай, ўқитувчилардан ҳам талаб қилиши, ҳар дақиқда боласини кузатиши ва тарбиялаши зарур. Бу – замон талаби. Агар фарзандни оқиб турган жилгага қиёласак, у доим назоратда бўлиши, акс ҳолда дуч келган томонга йўналиши мумкин. Эндилликда ота-оналар тарбия билан бирга билим ҳам бериб бориши, ҳар хил юялар билан тўлиб улгурмаган онгни илм билан бойитишга ҳаракат қилиши зарур. Ушбу жураёнда ўқитувчи ва ота-оналар ҳамкорлиги ҳар томонлама етук, баркамол авлодни шакллантиришда жуда муҳимдир.

Бу мавзуда қалам юритганимиздан мақсад нима? Боланинг мактабни етарли билимга эга бўлмай тамомлашда фақат ўқитувчининг қораламай, ота-оналарга давр қўяётган талабларини яна бир марта эслатиб ўтишдир. Устоз ўз касбидан келиб чиқиб сабоқ беради ва улашган илмининг деворига шунчаки сингиб кетишини истамайди. Ўқитувчи шахсига, энг аввало, қайси бир фарзанднинг ота ёки онаси сифатида қарашимиз, улар қўяётган меҳнат ҳурматга лойиқ эканлини англашимиз лозим.

Ҳурматли ота-оналар, танганинг икки томони бўлишини ҳисобга олиб, ўз вазифаларингизни ҳам унутманг. Фаҳмлаб етмаган мажбуриятингиз тўловини кимларгадир ағдариб, жавобгарлик талаб қилманг. Сиз бош бўлинсиз ва савол ҳам, жавоб ҳам ўзингиздадир.

Сўзимиз якунида айтадиганимиз, қўшимча дарс бериб нон топаётган, ёшларни билимли қилиб, ўқишга киришига катта ҳисса қўшаётган ўқитувчи ва тайёрлов курсларига ҳеч қандай фарзандимиз йўқ. Уларнинг меҳнати туфайли қўлпала соҳаларга керакли кадрлар етказиб берилмоқда. Бугун ютуқларга эришиб, кўзга ярқ этиб ташланаётган замон ёшларининг шу даражага етишишида уларнинг хизматлари катта.

Оламғир АБДИЕВ

► Бугуннинг ёшлари

Тўғараклар ҳаваскорларни чорлайди

Маълумки, маданият муассасаларида тўғараклар, жамоалар ҳамда студиялар ташкил этиш ва иштирокчиларини бадиий ижодга йўналтириш раҳбарларидан катта масъулият талаб этади. Бугунги кун кишини олдингилардан тубдан фарқ қилади. Шийдат билан ривожланиб бораётган глобаллашув даврида инсонлар онги ҳам ўзгариб бормоқда. Уларни олдиқочди гаплар билан алдаб, тўғаракларга жалб этиб бўлмайди. Бунинг учун тўғарак раҳбари ҳам ўз соҳасининг етук билимдонини, моҳир устасини бўлиши керак. Чунки бугуннинг ёшлари интернет орқали барча маълумотлардан хабардор, қолаверса, уйда ўтириб хоҳлаган хонанда, созанда ёки гуруҳлар, ансамбллар ижодини кузатиши мумкин. Шу боис бугунги тўғарак раҳбарлари юксак малака эгалари бўлиши даркор. Улар ўз ҳудудининг маданияти, тарихини пухта эгаллаши зарур.

Бундан ташқари, ҳар бир тўғарак раҳбари ҳудудида яратилган қуйиқўшиқларни излаб топиб, уларни марказ раҳбарига етказиши лозим. Бу билан ижод намунасининг номоддий маданий меросини ўзида сақловчилар рўйхатига киритилиши ҳамда сайқалланиб ҳаваскорларга ўргатилиши ва яна халқимизга ҳавола этилишига ҳисса қўшиш.



Бунинг учун тўғарак раҳбарига пухта ўйлаб тузилган иш режаси, яхши ишлаши учун дид билан безатилган хонаси, унда сифатли, буюртма асосида сотиб олинган миллий чолғуларни бўлиши даркор.

Ҳаваскорларни машғулотларга қизиқтиришнинг яна бир омилли интернетта уланган компьютер тармоғининг мавжудлигидир. Маданият ва санъат ангилликларидан вақтида бохабар бўлиб туриш, турли даврларга яшаб ижод этган санъат даргалари ҳақидаги маълумотлар, жаҳон музыкасига оид хабарлар билан танишиб бориш ҳам қизиқishi ортиради.

Шунингдек, ҳаваскорларнинг ҳисобот концертларини ўз вақтида ўтказиш ва уларга кенг омма билан бирга яқинларини ҳам тақлиф этиш, ота-она ва тўғарак раҳбари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш ҳам ўринли тадбирлардан биридир. Яна ўқишга доира, афгон рубоби, қўшиқ ҳақидаги афсона ва ривоятлардан фойдаланиб машғулотлар ташкиллаштириб туриш лозим.

Концертлар жозибадорлигини ошириш, ҳаваскорлар қизиқишини ортиришнинг яна бир омилли сахна либосларининг бўлиши ва уларнинг тўғри танлашидир. Ўзини сахна либосида кўриш уларга чексиз завқ бағишлайди.

Турдимат АЛИМОВ,
Фаргона вилояти Риштон тумани маданият бўлими ходими

Таблим
**Мактабларда
тўртта фан
ўрнига
янгиси жорий
этилади**



«Умумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳукумат қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» ҳамда «Дунё динлари тарихи» фанларини бирлаштирилган ҳолда яна «Тарбия» фани 1 – 9-синфларда – 2020/2021 ўқув йилидан, 10-11-синфларда эса 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фанларга аж-

ратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилади.

«Тарбия» фанидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар янги ўқув йили бошлангунга қадар chop этилиб, жойларга етказилади.

2020 йил июль ойидан бошлаб янги ўқув йили бошлангунга қадар умумтаълим мактабларидаги «Бошланғич таълим», «Миллий гоё ва ҳуқуқ», «Тарих» ва «Диншунослик» мутахассислигига эга фан ўқитувчилари учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-

лақасини ошириш ҳудудий марказларида «Тарбия» фанидан онлайн шаклда мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилади.

«Тарбия» фанидан дарсликлар ва ўқув мажмуаларини харид қилиш ва етказиб бериш харажатлари республика бюджетига ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади. Қарор билан умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун «Тарбия» фани концепцияси тасдиқланди.

Дунё маданияти

Рашмор тоғидагилар кимлар?

Рашмор тоғидаги ёдгорлик – Американинг Жанубий Дакота штатидаги маҳаллий халқ «Қора тоғлар» деб атайдиган ҳудудда жойлашган. Ушбу ёдгорликларда АҚШ тарихида муҳим из қолдирган тўртта йирик президент қиёфаси тасвирланган бўлиб, ҳар бир ҳайкалнинг баландлиги 18 – 20 метр келади. Гранит тошларидан ўйиб ишланган мазкур бюстлар америкалик ҳайкалтарош Гутзон Борглум ижодига тегишли.

Ҳатто анчагина йироқдан ҳам кўзга ташланадиган бу санъат асарларида Жорж Вашингтон, Томас Жефферсон, Авраам Линкольн ва Теодор Рузвельтларни кўриш мумкин. Маълумотларда келтирилишича, Гутзон ўз ишини охиригача етказолмай оламдан ўтган. Баъзи манбаларда эса у сирли равишда вафот этган дейилади. Ўз ота касбини тўлиқ ва мукаммал эгаллаган ўғли эса падарининг ишини давом эттирган ва ниҳоятга етказган. Бошқа бир тарихий маълумотларда, асарнинг чала қолган ишини Аугустус Лукман исмли ҳайкалтарош битирган дейилади. Чунки Борглум ҳайкални тугатишни хоҳламай ишни ташлаб кетган экан.

Ёдгорлик устида 14 йил меҳнат қилingan ва 1950 йилга келибгина аяқланган. Аммо унинг қайси йилдан бошлангани ҳақида аниқ сана айтилмаган. Мисол учун, қайсибир ҳужжатда 1927 йилдан иш бошланди дейилса, бошқасида 1936 йилдан Гутзон қоя устига чиқиб кетди дейилган. Умуман олганда мажмуа XX асрнинг биринчи ярми йиллигидан курилади бошланган.

Тахминларга кўра, ёдгорликни яратишда қиёфалари тасвирланиши керак бўлган шахсларни Борглумнинг ўзи танлаган. Унинг нуқтаи назарида бу 4 нафар инсон давлат тарихида муҳим аҳамиятга эга ишларни қилган. Мисол учун, уларга таъриф бериладиган шундай сабаблар келтирилиб ўтлади. Бюстлар ичида энг биринчида турган (чапдан ўнгга) инсон Жорж Вашингтон бўлиб, у АҚШнинг биринчи президенти ва демократия асосчиси, янги давлатнинг «отаси» деб айтилади. Шунинг учунми, Гутзон бу шахсни Рашмор тоғида биринчилардан бўлиб кўришни, энг муҳими демократиянинг «туғилиши»ни» аниқлашчи рамз сифатида гавдаланишини истган.


Иккинчи арбоб Томас Жефферсон эса мамлакатнинг учинчи президенти, Америка Мустақиллик Декларациясини ёзган ва шу билан бутун дунёга тарқалиши

керак бўлган демократияни тараннум этган шахс дея таърифланган. Тахминларда келтирилишича, Гутзон ўсиб бораётган Американи кўрсатиш рамиз сифатида Жефферсонни танлаган.

Американинг ривожланиши жумласини бюстлар орасида учинчи бўлиб қадрослаган 26-президент Теодор Рузвельт ҳайкалига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Аммо бу инсоннинг учинчи муҳим шахс бўлиб мажмуага киритилиши ҳақида бир нечта қарашлар бор. Чунки президентлар орасида фақат Рузвельтгина яқин-яқинда ҳокимият тепасида ўтирган. Унинг бу мартабага эришишида қилган ишларини ҳар ким турлича талқин қилади. Мисол учун, улар орасида, «Америка президентлари ичида биринчи бўлиб суиқасд қурбони бўлгани учун» деган қарашлар ҳам бор. Борглумнинг ўзи берган таърифта кўра, Рузвельт давлатнинг иқтисодий ўсишида муҳим аҳамиятга эга бўлган Панама канали курилишига бошчилик қилган ва XX асрда Америка тараққиётини яна бир поғонага олиб чиқишдаги хизматлари учунгина мажмуага киришга муяссар бўлган.

Туртинчи бўлиб ўйиб ишланган Американинг 16-президенти Авраам Линкольн бюсти эса президентнинг кулдорлик тизимига барҳам бергани ва «Фуқаролар уруши» даврида мамлакатни бирлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига муносиб ҳурмат деган маънода ўрнатилган. Гутзон Линкольн бюсти Американи асраб-авайлаш рамиз бўлишини хоҳлаган.

Мажмуанинг яратилиши ҳақидаги қарашларда қизиқ тахминлар ҳам айтилади. Мисол учун, аввалига қояларга президентлар эмас, бир вақтлар оқ ташли босқинчиларга қарши мардонавор курашган шу ерлик ўтроқ қабилалар вақили саналган ҳинду йигитининг бюсти тушиши керак бўлган, аммо Гутзон бунни ёқламаган. Бошқа бир тахминларга кўра эса,



ҳайкаллар аслида 4 та эмас 5 та бўлиши мумкин эди, бироқ бешинчи ҳайкал мураккаб иш жараёнини талаб этгани боис кейинчалик ундан воз кечилади. Шундан сўнг Гутзон махфий хона билан ишланган бўшлаган.

Ҳужжатларда мажмуани барпо этиш фикри кимдан чиққандлиги мужмаллигича қолган. Манбаларда келтирилишича, ёдгорлик гоёсини Дакота штатида мансабдор шахслардан бири бўлган Джоан Робинсон берган. Унинг мақсади мамлакат ҳудудида яшовчи кишиларни ўз штатида жалб қиладиган диққатга сазовор жой яратиш эди. У ўз гоёси изидан қолмайди ва шу сабабдан тоғ қояларини йўниб асарлар яратиб танилган ҳайкалтарош Жон Гутзон Борглум билан муносабат боғлашга киришади. Тарихий манбаларнинг тасдиқлашича, улар 1924-1925 йилларда учрашган. Айтишларича, Робинсон Борглумга Рашмор тоғини ёдгорлик яратиш учун жуда кулай жой деб таърифлаган. Бунга сабаб қилиб эса, жарликнинг баландлиги ва жанубий-шарқдан кўтарилиб келадиган қуёш нурида янада жозибали кўринишини қўшимча қилган. Робинсон ўз мақсадида собит турадиган шахс эди, балки шунинг учун ҳам уни «Рашмор боғи отаси» дея таърифлашгандир. Джоан Конгрессда гоёсини қўллаши учун Жон Боланд,

ўша вақтда мамлакатнинг 30-президенти Калвин Кулидж, Конгресс аъзоси Уильям Уильямсон ва сенатор Питер Норбек билан яхши муносабатда бўлган.

Ниҳоят Конгресс мазкур лойиҳани ёқлайди ва уни амалга ошириш учун 250 минг АҚШ долларигача маблағ ажратилганга розилик билдиради. Мажмуани барпо этишни назоратга оладиган «Миллий ёдгорлик комиссияси» тузилади. Лойиҳа бошлаб юборилади. Бироқ Борглум қилинётган назоратни ёқтирмайди, шундай бўлса-да, у то вафот этган 1941 йилга қадар ёдгорлик устида ишлашда давом этади. Маълумотларда ёзилишича, бюстлар 1941 йил 30 октябрда қуриб битказилган.

Айтишларича, мазкур бюстлар ортида яширин хона мавжуд бўлиб, унга давлат аҳамиятида эга маълумотларни жойлаш қўзланган. Ушбу хонада АҚШ тарихидаги энг сирли ва муҳим маълумотлар ҳамда тарих сақланган. Улар билан бирга Мустақиллик Декларацияси, АҚШ Конституцияси ва яна шу каби ҳужжатлар ҳам. Хозирда ёдгорликни кўриш учун ташриф буюрилганларга махфий хонага кириши тақиқланади. Очиги, махфий хонага пийда да бориб бўлмас экан.

Фактларга таянадиган бўлсак, бу ҳудудга ҳар йили 3 миллиондан ортиқ сайёҳ таъриф буюради. Америкаликлар эса мазкур ёдгорликни Мисрда жойлашган Гиза сфинкси ва пирамидалар билан солиштиришади.

Кўпчилик бу ҳудудга «демократия

ибодатхонаси» дея рамиз таъриф беради. Аммо Рашмор тоғидаги мазкур ёдгорлик тарихи демократия идеалидан узоқ деб баҳолайдиганлар ҳам топилади. Улар назарида бу мажмуа музлақо бошқа мақсадда, яъни Қора тепалиқлардан (Black Hills) унумли ер ва олтин қидириб юрган оқ танли кўчманчиларга нисбатан қутилиши мумкин бўлган маҳаллий қабилалар қаршилигини синдириш, гарбга қараб қилиниши зарур ҳаракатларни енгиллаштириш учун бошланган дахшатли урушларнинг белгиси сифатида барпо этилган. Бу мустамлака даврида ва ундан кейинги йилларда ҳам давлат ҳудудини кенгайтириш учун олиб борилган силжишни англатади. Яъни ўша даврларда евро-америкаликлар мамлакатдаги ҳамма нарсанинг эгаси деган қараш мавжуд бўлган.

Яқин кунларда АҚШда бошланган ирқчиликка қарши кураш ҳаракатларига мазкур мажмуа ҳам аралашмай қолмади. Туб америкаликлар фикрича, қулчиликни ёқлаган Конфедерация етакчилари ҳайкаллари бузиб ташланганидай, бу монументлар ҳам вайрон этилиши керак. Сабаби, ёдгорлик туб америкаликлар ерини тортиб олган оқ танли истилочиларни улуғлайди. Бу эса оқ танлиларнинг бошқа ирқлардан устунлигига ишора экан.

Нима бўлган тақдирда ҳам, мажмуа бугун АҚШнинг энг қўп сайёҳ таъриф буюрадиган маскани ҳисобланади. Ирқчилик масаласига келсак, бунинг қандай, нима сабабдан ҳамда нима мақсадда қилинганлигини фақат тарих билади. Шун ҳам айтish керакки, фақат мозийгина хатолардан сабоқ олиш кераклиги ҳақида «насихат» қила олади. Унга амал қилиш эса бизнинг ривожимиз ёки заволимиз бўлиши мумкин.

Оламгир АБДИЕВ тайёрлади.

<p>МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285</p>		<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p>	<p>Наشر учун масъул: Ш.Исроилова Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева Навбатчи: Н. Содиқова Адади - 8420 Буюртма - Г - 727 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ</p>	<p>Газета «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 24.30 Топширилди - 23.30 1 2 3 4 6</p>
<p>МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги</p>	<p>Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева Тахририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p>	<p>Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлангани мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>		
<p>Газета ҳафтаининг пайшанба куни chop этилади.</p>				